

М.Т. ЖУМАНИЁЗОВА

**ТАРИХ ДАРСЛАРИНИ
МУАММОЛИ ЎҚИТИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

ISBN 978-9943-09-934-1



«Фан»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
А. АВЛОНӢ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ
ИНСТИТУТИ

М.Т. ЖУМАНИЁЗОВА

ТАРИХ ДАРСЛАРИНИ МУАММОЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

(услубий күлланма)

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
2009

Услубий қўлланмада муаммоли ўқитишнинг илмий-назарий асослари ва муаммоли ўқитиш усулларини тарих дарсларига татбиқ этиш масалалари хакида фикр юритилган.

Ушбу қўлланма тарих ва ижтимоий фанлар ўқитувчиларига мўлжалланган.

Масъул мухаррир:
педагогика фанлари доктори, профессор Ю.Ф. МАҲМУДОВ

Тақризчилар:
педагогика фанлари доктори, профессор Х.ОМОНОВ
тарих фанлари доктори Я.А.АБДУЛЛАЕВА
тарих фанлари номзоди, доцент А.ҲАСАНОВ
ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими А.Р.ТАГАЕВ

ISBN 978-9943-09-977-7

© Ўзбекистон Республикаси ФА
“Фан” нашриёти, 2009 йил.

КИРИШ

Таълим тизимининг модернизация килиниши, уни таркибий жиҳатдан қайта ташкил этиш жараёни фан, техника ва технологияларнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини хисобга олган ҳолда таълим дастурларини ўзгаририб, янгилаб боришни кўзда тутади.

Ўқувчиларнинг қобилияtlари ва имкониятларига мувоғик ра-вишда таълимга табақалаштирилган ёндашувнинг жорий этилиши, таълим беришнинг замонавий ўқув-услубий мажмуаларининг яра-тилиши, илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш зарурати, таълим-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминланиши умумий ўрта таълим тизимида фаолият юритаётган ўқитувчилар зиммасига таълим, фан, техника ва техно-логияларнинг жаҳон миқёсидаги янгиликларини амалиётга татбиқ этиш, педагогик жараёни илмий асосда лойиҳалаш ва ташкил этиш вазифасини юклайди.

Бунинг учун ўқитувчилар таълим беришнинг турли хил усу-ларини билиши ва уларга асосланиши, янги ғояларнинг йўналишларини аниклай олиши, илғор тажрибаларни ўз фаолияти-га татбиқ этиши лозим. Бу жараёнда нафакат таълим мазмуни, бал-ки қўлланилаётган ўқитиш технологиялари ҳам мухим роль ўйнайди.

Ўқиши ва билиш фаолиятини ўзгаришишнинг имкониятлари-дан бири ўқув жараёнига муаммоли ўқитиш технологияларини татбиқ этишdir. Чунки муаммоли ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам ўзларининг интеллектуал, жисмоний, маънавий имкониятларини ўқув ва амалий муаммоларни ечиш учун синовдан ўтказадилар. Бу жараёнда ҳосил бўлган амалий кўнікма ва малака-лар ахборот жамияти шароитларида яшаш учун зарур сифатларни шакллантиришга олиб келади. Шу билан бирга муаммоли ўқитиш технологиялари ўқувчиларда танқидий фикрлаш, реал дунёда пайдо бўлаётган қийинчиликларни кўра билиш ва уларни бартараф этишнинг оптималь йўлларини излаб топиш, ижодий фикрлаш, янги ғоялар яратиш қобилиятини ривожланишига ёрдам беради.

МУАММОЛИ ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ахборот технологиялари ёки постиндустрисал деб аталаётган бугунги жамият шахсдан фаол ҳаракат қилишни, мустақил қарор қабул қилишни, ҳайтнинг ўзгараётган шароитларига мослашиши талаб қиласди. Бунинг учун ҳар бир шахс маълум сифатларга эга бўлиши талаб этилади. Хусусан:

- ҳар бир ўкувчи зарур билимларни мустақил эгаллаш, эгалланган билимларини турли муаммоларни ечишда маҳорат билан кўллаш;

- ахборотлар билан саводли ишлаш (маълум масалани тадқиқ қилиш учун зарур фактлар йигиш, уларни таҳдил қилиш, муаммоларни ечишга қаратилган гипотезаларни таклиф қилиш, конунгийларни, янги муаммоларни аниқлаш ва ечиш);

- олингандан билимларнинг қаерда ва қандай қўлланилиши мумкинлигини аниқ билиш ва бу билимларни кўллаш соҳасини англай олиш;

- танқидий фикрлаш, реал дунёда пайдо бўлаётган кийинчиликларни кўра билиш ва уларни бартараф этишининг оптинал йўлларини излаб топиш;

- ижодий фикрлаш, янги ғоялар яратиш қобилиятига эга бўлиш, турли ижтимоий гурӯхларда киришимли бўлиш, биргаликда ишлашни билиш ёки ностандарт вазиятлардан чиқишини билиш;

- ўзининг маънавияти, интеллекти ва маданий салоҳияти устидаги мустақил ишлаш каби кўнікма ва малакаларга эга бўлиши зарур.

Юкорида айтилган сифатларга эга шахсни шакллантиришга нафакат таълим мазмуни, балки қўлланилаётган ўқитиши технологиялари ҳам мухим роль ўйнайди. Ўкув жараённада ўқиш ва билиш фаолиятини ўзгартиришнинг имкониятларидан бири муаммоли ўқитиши технологиясини таълим жараённага татбиқ этиш ҳисобланади. Чунки муаммоли ўқитиши жараённада ўқитувчилар ҳам, ўкувчилар ҳам ўзларининг интеллектуал, жисмоний, маънавий имкониятларини ўкув ва амалий муаммоларни ечиш учун доим синовдан ўтказадилар. Бу жараёнда ҳосил бўлган кўнікма ва малака-

лар ахборот жамияти шароитларида яшаш учун зарур сифатларни шакллантиришга олиб келади.

Инсон тафаккури муаммоли вазиятларни яратиш, муаммони кўйиш ва уни ечишдек ноёб қобилиятга эга бўлганлиги сабабли инсоният томонидан илмий-техникавий қашфиётлар амалга оширилган.

Педагогик тафаккурни ўкув жараённада муаммоларни ечишга йўналтириш, яъни таълим жараённага муаммоли ўқитиши жорий этиши ўкувчиларга тайёр билимларни ўзлаштиришдан аста-секин мустақил фаолиятга ўтиши имкониятини беради.

Муаммоли ўқитиши чукур ўрганиш XX асрнинг 60-йилларида бошланган бўлиб, унинг асосида “Тафаккур – муаммоли вазиятдан бошланади” – деган ётади ва муаммоли вазиятда билиш фаолиятининг кетма-кетлиги қўйидагича кўринишга эга бўлади:

- муаммоли вазият;
- муаммони ечиш йўлларини излаш;
- муаммонинг ечими.

Анъанавий таълим тизимида ўқитувчи ва дарслик билимнинг асосий манбаи бўлса, муаммоли ўқитишининг фалсафаси ва методологиясида ўқитувчи ўкувчиларнинг изланиш-тадқиқотчилик фаолиятини ташкилотчиси, мутасадди маслаҳатчиси ва ёрдамчиси бўлади. Бу роль анъанавий ўқитищдаги ролдан анча мураккаб бўлиб, у ўқитувчидан юкорироқ маҳорат талаб қиласди.

Муаммоли ўқитиши концепциясида муаммоли вазиятнинг биринчи шарти ўкувччи ўзи ечиши лозим бўлган зидликни кўришидан иборат эканлигидир.

Муаммоли ўқитиши асосида америкалик психолог, файласуф ва педагог Ж. Дьюи ғоялари ётади. У 1894 йилда Чикаго шаҳрида ўқитиши асосини ўкув режаси эмас, балки ўйинлар ва меҳнат фаолияти ташкил этган тажриба мактабини ташкил қиласди. Ўқиш, ҳисоблаш, ёзиш бўйича машғулотлар болаларнинг физиологик балоғатига қараб, ўз-ўзидан пайдо бўлган эҳтиёжларига мувофиқ ўтказилган. Ж. Дьюи ўқиш учун тўрт эҳтиёжни ажратган: ижтимоий, конструкциялаш, бадиий ифода, тадқиқий. Билиш манбалари сифатида болаларга куйидагилар тақдим этилган: сўз, санъат асарлари, техник курилмалар.

Ж.Дьюи ғоялари бўйича бола билишда инсоният йўлини қайтаради, билимларни ўзлаштириш бошқарилмайдиган жараён бўлиб, бола ўзида ҳосил бўлган эҳтиёжни қондириши натижаси си-

фатида материални ўзлаштиради. Ж. Дъюнинг фикрича, ўқитиш самарадорлиги шартлари, ўқув материалини муаммолаштириш бола фаоллиги билан боғлик бўлиши керак.

Фикрлаш психологияси нуктаи назаридан муаммоли ўқитиш гояси ва тамоиллари С.Л.Рубинштейн, М.И.Махмутов, В.Оконь, И.Я.Лернер томонидан ишлаб чиқилган.

С.Л. Рубинштейннинг «Тафаккур муаммоли вазиятдан бошланади», деган гояси муаммоли ўқитишнинг психологик асоси сифатида қабул қилинган. 70-80-йилларда анъанавий ўқитиш шакллари самарадорлиги пасайиб кетганлиги қайд этилганда, етакчи педагоглар муаммоли ўқитиш назариясига эътибор қаратса бошиладилар. Чунки анъанавий ўқитиш шаклида асосий дикқат ўқитувчи фаолиятига қаратилган бўлса, муаммоли ўқитиш концепциясида асосий ургу ўқувчиларга кўчади. Муаммоли ўқитиш тамоили бўйича билим ўқувчиларга тайёр шаклда узатилмайди, балки илмий тадқиқот жараёнига ўхшатиб, ўқув фаолияти жараёнида ўқувчилар томонидан эгалланади.

Муаммоли ўқитиш – ўқувчининг муаммоли тақдим этилган таълим мазмуни билан фаол ўзаро боғланишини ташкил этади. Бу жараёнда ўқувчи илмий билимнинг объектив зидликлари ва уларнинг ечимларига яқинлашади, фикрлаш, билимларни ижодий ўзлаштиришга ўрганади.

Муаммоли ўқитиш ижодий фаолиятни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу жараёнда ўқувчилар ижодий фикрлашининг ривожланиши анъанавий ўқитишдагига нисбатан жадалроқ бўлади, лекин муаммоли ўқитишнинг бу функциясини ошиши учун ўқув жараёнига муаммоларнинг тасодифий мажмусини киритиш етарли эмас. Муаммолар тизими билимнинг мазкур соҳасига хос муаммоларнинг асосий турларини қамраб олиши керак.

Муаммоли ўқитишни таълим жараёнига татбиқ этишда ўқитувчи илмий ва ўқув муаммолари орасидаги умумийликни ва фаркни ажратиши лозим. Уларнинг умумийлиги – ҳар иккаласида ҳам объектив зидликлар мавжудлиги бўлса, илмий ва ўқув муаммоларини фарқи шуки, илмий муаммода қўйилган масала ҳали ечилимаган, ўқув муаммода эса масала ечилиган, уни ечиш йўли ва натижаси маълум. Фақат бу йўллар ва натижаларни ўқувчилар излаб топиши керак. Муаммоли ўқитишнинг якуний мақсади –

ўқувчиларни муаммоларни кўриш ва ечишга ўргатишдан иборат бўлиб, бу фақат фикрлаш фаолияти жараёнида амалга оширилади.

Шахснинг ижодий мустақил фикрлаши жамият учун зарур бўлиб, фикрлаш жараёни муаммоли вазиятдан бошланади.

Муаммоли ўқитиш усулларига тадқиқий усул, эвристик усул, муаммоли вазиятлар яратиш усули киради.

Ўқитишнинг тадқиқий усулларини кўллаганда ўқувчиларга:

- ностандарт масалаларни тузиш бўйича;
- ортиқча маълумотлар билан;
- ўзининг амалий кузатувлари асосида мустақил умумлаштириш;
- йўриқномалардан фойдаланмасдан қандайдир объект мөхиятини баён этиш;
- олингандан натижаларни кўллаш чегараларини ва даражаларини аниқлаш;
- ходисанинг намоён бўлиш механизмини аниқлаш;
- «бирлаҳзада» топиш каби топширикларни бериш мумкин.

Ҳозирги кунда бу соҳадаги изланишлар дунёнинг турли мамлакатларида давом этирилмоқда, умумтаълим фанлари бўйича ҳам, олий таълим фанлари бўйича ҳам муаммоли ўқитиш технологияларининг мажмуавий ишланмалари яратилмоқда.

Фанда муаммоли ўқитиш билан алоқадор иккита тушунча ишлатилади: "муаммо" ва "муаммоли вазият" тушунчалари. Айрим ҳолларда улар синонимдек тушунилса-да, лекин бу атамалар билан белгиланган объектлар ўз ҳажми билан фарқланади. Муаммо муаммоли масалалар кетма-кетлигига ажralади. Демак, муаммоли масалани муаммонинг оддий, хусусий бир масаладан иборат ҳолати сифатида кўриш мумкин.

Муаммоли ўқитишнинг яққол кўриниб турган афзалликлари га қарамасдан мактаб таълимининг ҳеч кайси боскичи тўлиқ муаммоли тузилиши мумкин эмас. Муаммоли ўқитишни амалга ошириш учун қисм (айрим бўлим, мавзу, банд) ларни ажратиб олиш лозим. Бунда ўқув материалининг мантикий-дидактик таҳлили, муаммоларни қўйиш имкониятлари, ўқитиш мақсадларига эришишда уларнинг самарасини аниқлаш талаб этилади. Кўп нарса у ёки бу синфа ишлашнинг аниқ шароитларига боғлик. Бундан ташқари, мактаб дарслекларидаги ўқув материали камдан-кам ҳолларда муаммоли ўқитишга мослаштирилган. Лекин муаммоли ўқитишни амалга ошириш учун ўқитувчи ўқув матнларини осонгина қайта ишлаши

мумкин. Муаммоли вазиятларни моделлаштириш учун энг оптималь ўкув материали бу – дарсликдаги фан ва техника тарихига оид маълумотлар.

С.Л. Рубинштейн «тафаккур – инсон олдида турган масала ва муаммоларни ечишга олиб келадиган идрок бўлиб, тафаккур муаммоли вазиятдан келиб чиқади ва муаммони ечишга қаратилган бўлади», – деб таъкидлайди.

Бундан куйидаги мантиқ ҳосил бўлади. Шахснинг ижодий, мустақил, фикрловчи бўлиши жамият учун зарур бўлиб, фикрлаш жараёни муаммоли вазиятдан бошланади. **Муаммоли вазият** – психик қийинчилик, зиддиятлар вазияти бўлиб, ўкувчиларни муаммоли вазият ҳолатига тушириш орқали уларда фикрлаш қобилияти ривожлантирилади.

ЭВРИСТИК ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Инсоннинг ижодий фаолият масалалари фалсафа, психология, методология, кибернетика, ахборот назарияси, педагогика каби кўпгина фанлар томонидан ўрганилмоқда. Сўнгти ўн йилликларда инсон ижодий фаолиятини ўрганувчи маҳсус фан – “Эвристика”ни яратиш тўғрисидаги фикрлар тез-тез кўзга ташланмоқда. Эвристика сўзи “Эврика”-“топдим” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, у бирор муаммони ҳал этилиши билан боғлиқ бўлган қувонч, бирор янги фикр туғилишини олкишлашдир.

Эвристика (юнонча *heurisko* – излайпман, топяпман, кашф этяпман) инсон ижодий фаолиятини, шунингдек, янги кашфиётларни яратишида кўлланадиган усусларни ўрганадиган фан сифатида психология, кибернетика, структурали лингвистика, ахборот назарияси чегарасида ривожланади. Эвристикани янги вазиятда янги ҳаракатларни қуриш қонуниятларини ўрганадиган фан деб тушуниш мумкин.

Ҳар биримиз тафаккури ностандарт, тасаввури ривожланган, ўзига хос ва кутилмаган мулоҳазалари билан бизни ҳайратда қолдирадиган шахсларни учратганимиз. Бундай инсонларни биз одатда ижодий, янги ғоялар яратиш қобилиятига эга шахс, деб атаймиз.

Лекин таълим жараёнида ўхшатиш-образли тафаккурни, янги ғояларни яратиш қобилиятларини ривожлантиришига старли дикқат қаратилмайди. Педагоглар асосан масалалар өчилишининг

мантикий усусларига эътибор беришади, айрим ҳолларда меъёрий хужжатлар ва янги авлодни олдинги авлоддек тарбиялаш ва ўқитиш анъаналари таъсирида бўладилар.

Ўкувчининг вазифаси нафақат маданий анъаналарни ўрганиш ва талқин қилиш, балки янгиларини яратишдан иборат. Маълумки, табиат инсонни яратган ва унга тасаввур қилиш, ўйлаб топиш, бунёд қилиш, яратиш қобилиятларини берган. Демак, ҳар бир инсон эвристик деб аталмиш қобилиятга эга. Шундай экан, эвристика, эвристик услублар ва эвристик ўқитиш деганда нималар тушунилади?

Эвристик услублар жуда мураккаб, кўзда тутилмаган вазиятларда ҳам ечимни топиш имконини беради. Эвристика мақсадга эришишга кўмаклашадиган ҳаракатлар услубини белгилайди.

Эвристик ўқитиш жараёнида ўкувчининг фаолияти қуйидаги кетма-кетлиқда амалга оширилади:



Мияга келган барча ўй-хаёллар – бу фикрлар. Нормал ўкувчини, инсонни фикрсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар он, ҳар дақиқада одам мияси қандайдир фикрлар билан банд бўлади. Уларни тартибга солиш, керагида дикқатни жалб қилиш, ички ёки ташки нутқ воситасида уни ечиш, яъни ифодалаш – фикрлаш жараёнидир.

Фикрлаш жараёни аслида маълум бир масалани, муаммо ёки жумбоқни ҳал қилиш керак бўлганда пайдо бўлади. Фикрлаш дои-

мо бир нарса хусусида камидан битта ечимни бериши шарт, акс холда у бошқа жараёнга – хаёл, фантазияга айланиб кетиши мумкин.

Мустакил фикрлаш – шахснинг шундай қобилияти, у туфайли одам нарса ва ҳодисалар хусусида ўз қарашларига ва ностандарт ечимларга эга бўлади. Масалан, аниқ предмет ручкани нима эканлигини ва нима мақсадда ундан фойдаланиш мумкинлигини кўпчилик билади. Бу – ёзув қуроли. Лекин мустакил ностандарт тафаккурга эрк берилса, унинг кўрсаткич сифати ёки саноқ таёқчилигидан сифати, ёки ғалтакка ўхшатиб ип ўраш мумкинлиги каби ўнлаб вазифаларини санаб бериш мумкин. Демак, мустакил фикр инсоннинг нарса ва ҳодисалар, жамиятда рўй берадиган воқеаларнинг моҳияти хусусида ўз қарашлари бўлишини тақозо этади, унинг билиш ва англаш имкониятларини чегарасини кенгайтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустакил фикрлаш бир қарашда шахснинг индивидуал хусусияти бўлса-да, бу хусусият жамиятда, инсонлар ўртасидаги муносабатлар мухити яхши бўлганда ривожланади.

Хаёл – янги образлар ва таҳминларни шаклланиш жараёни бўлса, фантазия – хаёлнинг борликдан, ҳакиқатдан бир оз узоклашуви жараёни.

Шундай қилиб, муаммо ёки жумбоқ бизни фикрлашга мажбур этади. Психологларнинг фикрича, ҳар қандай масалани ёки муаммони ечиш мобайнида ўкувчи унинг шартларини бир неча варианнада тасаввур қиласигина ечимга келар экан. Чунки кимдир жуда тез фикрлайди, кимдир секин фикрлайди. Шунинг учун ҳам тест ечипи жараёнида ёнма-ён ўтирган икки ўкувчи бир хил ечимни белгиласада, ўша ечимга келиши йўллари ҳар бир ўкувчидаги ўзига хос бўлади.

Тафаккур – инсон онгиннинг билиш обьектлари ҳисобланмиш нарса ва ҳодисалар ўртасида мураккаб, ҳар томонлама алоқаларнинг бўлишини таъминловчи умумлашган ва мавҳумлашган акс этириш жараёни.

Дунёни тушуниш, англаш ва унга онгли муносабат билдириш жараёни тафаккур, фикрлаш дейилади. Тафаккурнинг олийлиги шундаки, у идрокдан фарқли равишда бевосита акс этириш бўлмай, нарсалар ва уларнинг хоссаларини, воқеаларни улар йўқ пайтда ҳам акс этиришга имкон беради. Масалан, Амир Темур давлати ҳакида сўз кетганда ўкувчи Амир Темур ҳакидаги кинофильмни кўрмаган бўлса ҳам марказлашган давлат хусусиятларини

билгани учун ушбу ахборотни тушуниб, уни қабул қиласи. Бунинг асосида тафаккур жараёни ётади.

Афсуски, мактабда ўхшатиш-образли тафаккурни, янги ғояларни яратиш қобилиятиларини ривожлантиришга етарли диққат қаратилмайди. Педагоглар асосан масалалар ечилишининг мантиқий усусларига зътибор беришади.

Эвристик ўқитишида ўқитувчининг роли. Эвристик ўқитиши одамзотнинг барча билими ва тажрибасини янгидан кашф этиш мақсадини кўймаган. Шунинг учун ўқитувчи олдида ҳар бир мавзунинг энг муҳим томонларини топиш ва ўкувчи учун дастлабки ижодий изланиш шароитларини яратиш масаласи туради. Ўкувчи ўз тушунчалари, таҳминлари ва билишнинг бошлангич маҳсулотларини яратгандан кейингина унга мазкур муаммолар бўйича одамзотнинг ютуқлари билан танишиш таклиф этилади. Бунда ҳам ўкувчи тайёр билимларни оддий ўзлаштиримайди, балки уларни ўз тажрибаси натижалари билан солиштиради. Таълим фаолиятини олимлар томонидан яратилган турли маданий-тарихий нуқтаи назарлар билан диалог ёки полилогда давом этиради.

Эвристик ўқитиши кўллаш чегараларини ўқитувчи ўзи, услубий бирлашма ёки мактабнинг педагогик жамоаси белгилайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, ўкув дастурининг ҳар қандай фан бўйича, ҳар қандай масаласини ўрганишни, ҳар қандай ёшдаги ўкувчиларнинг ижодий изланиши сифатида ташкил этиш мумкин. Ўкувчилар, одатда, ўзининг ижодий намоён этиш имконини мамнуният билан қабул қиласидар ва белгиланган таълими талаблар ва меъёrlарни ошириб бажарадилар.

Хуласа сифатида айтиши жоизки, инсоннинг яширин билимларини рўёбга чиқариш – нафақат услуб, балки бутун таълим методологиясига боғлик. Ўкувчининг шахсий тажрибаси унинг фаолияти жараёнида яратилади. Эвристик ўқитиши ўкувчига нафақат билимларни эгаллаш, балки машғулотларнинг шахсий мақсадлари, ўрганилаётган фанни ўзлаштириш йўлларини, таълим натижаларини ифода қилиш шакллари ва баҳолаш имконини беради. Тасаввур чексиз бўлгани ва у намоён бўлиши ҳар бир инсонга хос бўлгани учун педагог зиммасига ижодий фаолият орқали ўкув жараёнини ёрқин, динамик, қизиқарли ва эвристик қилиш масаласи юкландади.

ИВЕН ПЕДАГОГИКАСИ НИМА?

Ижодга мойиллик инсон ўзини намоён этишининг юкори фоллиги, янгиликни яратиш қобилияти, инсон фаолиятининг ҳар қандай кўринишида ўзига хослигидир.

Болаларни ижодкорликка ўргатишида ўқитишининг инновацион технологиялари орасида юкори ўринни эгалловчи технологиялардан бирини Г.С.Альтшуллернинг **Ихтирочилик вазифаларини очиш назарияси (ИВЕН) хисобланади.**

ИВЕНнинг асосий ғоялари қўйидагилар:

- назария – муаммоларни ижодий очимини топишда катализатор;

- билим ижодий иш жараёнида бир воситадир, яъни ҳамма қашфиёт қилиши мумкин;

- ижодкорликни бошқа турдаги фаолиятлар сингари ўрганиш мумкин.

ИВЕН назариясида асосий ўринни Ижодий тасаввурларини ривожлантириш (ИТР) масаласи эгаллади. ИВЕНнинг асосида ривожлантирувчи таълим технологияси хисобланган муаммоли изланиш методлари туради. Ихтирочилик вазифаларини очиш назариясининг ўзига хос тамойилларига қўйидагилар киради:

- ғояни ўзи ривожлантирувчи ўқитиши ва ривожлантирувчи таълим хисобланади;

- ўқитишига фаолиятли ёндашув;

- назарий хуносаларни шакллантиришга йўналганлик;

- ўқитувчи ва ўкувчи ўртасидаги икки томонлама мулоқот;

- таълим жараёнида муаммоли масалаларни, муаммоли вазиятларни қўллаш.

Анъанавий таълим ва ИВЕН ўргасида ўзига хос фарқлар мавжуд бўлиб, улар қўйидаги жадвалда ўз аксини топган:

Анъанавий таълим	ИВЕН таълими
1. Асосий эътибор назарий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган.	1. Асосий эътибор ижодкорликка, ностандарт фикрлашга қаратилган.
2. Ижодий маҳсулот олиш методикалари мавжуд эмас.	2. Ижодий маҳсулот олиш методикаси ишлаб чиқилган.

жадвалнинг давоми

3. Муаммоларни очиш алгоритми ишланмаган (ўқитувчининг бошқаришдаги хатолари ва синааб кўриши методидан фойдаланади).	3. Масалаларни очиш алгоритми мавжуд, ўкувчилар мустақил рашища муаммоли топширикнинг очимига ета олади.
4. Таклиф этилган очимни баҳолаш мезонлари йўқ, ўқитувчи тўғри жавобни “ташувчи”, етказувчи ҳисобланади.	4. Натижани ва очим йўлини баҳолашни объектив мезонлари мавжуд.
5. Назарий ва технологик жиҳатдан ишлаб чиқилган, ўкув дастурларига, дарсликка, методик таъминотга эга.	5. Ижодий маҳсулот олишнинг якка тартибдаги методикалари ишланган, муаллифлик дастурлари, ижодий топширикларни бажариш алгоритми ишлаб чиқилган.

ИВЕН дастлаб мұхандислик фаолиятида қўллаш учун яратилган бўлса-да, кейинчалик бошқа соҳаларда, жумладан, 1989 йилдан бошлаб педагогикада ҳам қўлланила бошлаган. ИВЕН педагогикасининг етакчи вакиллари В.Г. Березина, М.С. Ганфитулин, А.А. Гин, Б.Л. Злотин, А.В. Зусман, Т.А. Сидорчук, В.И. Тимоховларнинг кўп йиллик изланишлари шуни кўрсатади, ИВЕНни таълим жараёнида қўллашни мактабгача таълим ва бошланғич таълим босқичидаёқ бошлаш керак.

Маълумотларни таҳлил қилишга ИВЕНча ёндашув бир қанча моделларни қўллаш орқали амалга оширилади, улар ўрганилаётган обьектга тизимли ва диалектик нуқтаи назардан ёндашувни рўёбга чиқаради ва бунда асосий эътибор ўкувчиларнинг мустақил ижодий фаолиятига қаратилади, таълим олувчиларни самарали, янги натижажа олишларига йўналтирилади.

ИВЕН маълумотларни икки марта қайта ишлашни талаб қиласидиган тадқиқот жараёни бўлиб, ҳаммага маълум бўлган ва кенг тарқалган маълумотларни қайта туркумлаштириш ва уларга янгича ёндашиш асосида янгилик яратилади ва ижобий натижаларга эршилади.

ИВЕН асосида муаммоли вазиятларда очимга келишнинг алгоритми қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Муаммони қўйиш



Муаммо ҳақидаги маълумотлар фондини тўплаш



Маълумотлар фондини қайта ишлаш, ечим моделини аниқлаш



Кўшимча маълумотлар тўплаш ва уларни танланган ечим
моделида акс этириш



Янги маълумотлар ва ечим модели ўртасидаги зидликни аниқлаш



Зидликни ечимини топиш, янги ечим моделини яратиш



Янги модель ҳақида кўшимча маълумотлар тўплаш

Бошланғич синфларда ўкувчиларнинг фаолияти тайёр ўкув топшириқларини ечишга қаратилмасдан, болалар ўзларига яқин ва реал бўлган ҳолатлар, масалан, мустақил ҳолда топишмок яратиш, оригинал тахминлар айтиш, эртак яратиш, мақол, метафора, харакатли ўйинлар ўйлаб топиш, янги ўйинчоқ ўйлаб топиш ва уни ясаци каби ижодий фаолиятга жалб этувчи машғулотлар орқали ИВЕН педагогикаси амалга оширилса, юқори синфларда топшириқлар мазмуни ва ҳажми бир оз мураккаблаштирилиб, кенгайтирилиб борилади.

Жумладан, тарих дарсларида ИВЕН педагогикаси ғояларидан фойдаланиш ўкувчиларни тайёр рақамлар, фактларни “қуруқ ёд олиш юкидан” халос этади. Тарих дарсларида ижодий фаолиятта йўналтирувчи, муаммоли топшириқларни ҳар қандай мавзуни ўрганиш жараёнида ўйлаб топиши мумкин. Бу ўқитувчининг мустақил ишлаши, фақат дарсликдаги матн билан чегараланиб колмасдан кўшимча манбалардан фойдаланишига боғлиқ, холос.

Тарих дарсларида қўлланиладиган ижодий топшириқлардан намуналар кейинги ўринларда келтирилган.

Мактабда ихтирочилик вазифаларини ечиш назариясига асосланган педагогик тамойиллардан фойдаланиш ўкувчиларни

мустақил фикрлашини ривожлантиради, тизимли фикрлашга, зиддиятларни топиш ва уларни ечим йўлларини излашга, мустақил ҳолда ечимларни топишга ўргатади. Шу асосда ўкувчилар чукур ва кенг амалий билимларга эга бўладилар, энг асосийси эса ўкувчиларнинг фикрлаш услуби шаклланиб боради, улар тайёр билимларни эгаллашга эмас, уларни мустақил излаб топишга, ўз фаолияти доирасидаги муаммоли масалаларни кўриш, муаммоларни тўғри кўйиш ва уларни ечиш кўникмаларига эга бўладилар.

Болаларда ҳаётий кўникмалар шаклланиб боради. Бу эса ўкувчиларни келажакда жамиятда ўз ўрнини топишига, жамиятнинг фаол аъзоси бўлишига ёрдамлашади.

МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ

Ўқитишининг кутилаётган натижаларини ишлаб чиқишига психологияк ёндашувлар қадим даврларда ёк яратилган бўлиб, Аристотель таълим мақсадларининг учта асосий категориясини, яъни тафкур, сезиш қобилияти ва кўл амалларини бир-биридан фарқлаган. Песталоцци эса бу амалларга мувофиқ инсон танасининг уч органини келтиради: бош, юрак ва кўл.

Бугунги кунга келиб, учта соҳа бўйича ўкув мақсадини (кутилаётган натижалар, вазифалар)ни режалаштириш қабул қилинган (1-расм).

Дарс жараёнининг ўкув мақсадларини белгилашда қуйидаги амалларни бажариш лозим:

1. Маълум мавзу бўйича ўкувчилар учун топшириқлар сонини аниқлаш.

2. Шу мавзу бўйича ўкувчи бажариши лозим бўлган амалларни акс этирувчи ва ўқитиши г кутилаётган натижаларини ифодалашда қўлланиши мумкин бўлган аниқ феъллар рўйхатини тузиш.

3. Ҳар бир топшириқни (кутилаётган натижани) ўкувчининг (ўқитувчи фаолияти атамаларида эмас) иши атамаларида шундай кўйиш керакки, у машғулот давомида ўқитувчи ўтиши лозим бўлган босқичларга эмас, балки "ўкувчининг якуний амаллари"га қаратилган бўлсин.



1-расм. Ўқув мақсадларининг йўналишлари.

4. Ҳар бир топшириқда ўқувчи фаолияти акс этиши лозим. Масалан: санаб ўтади, тавсифлайди, ажратади, намойиш қиласди, танлайди, тахлил қиласди, хисобладайди ва ҳ.к.

5. Ўқувчилардан кутилаётган, кузатиладиган, кузатилмайдиган "хулқни" ("кўникмаларни шакллантириш", "англашига эришиш" ва ҳ.к.ларни) аниқ ифодалаш.

6. Ҳар бир топширикни (кутилаётган натижани) шундай кўйиш керакки, у иккита-учта ўқитиш натижасини эмас, факат бигта натижани ўз ичига олсин.

7. Топшириқларни амалга ошганлигини ўлчаш мумкин бўлсин ва мақсадга эришилганлигини тасдиқлаш имконияти бўлишига аҳамият бериш лозим.

9. Агар ўқувчи маълум давр ичида ўз ишини намойиш этиши керак бўлса, вақт чегараларни белгилashi лозим.

10. Ўқув топшириқларини (кутилаётган натижаларни) учта соҳа бўйича ифодалаш:

когнитив (билишга оид, тафаккур соҳасига) - ўзлаштирилган билимлар ва эгалланган кўникмалар;

психомотор (амаллар соҳасига) - тана ҳаракатларини мувофиқлаштириш, уларнинг асаб-мушаклар координацияси. Масалан, ёзув, спорт анжомларида машқни бажариш;

аффектив (эмоционал-қадриятлар, хиссият соҳасига) – хиссий қадриятлар (кувонч, ҳаяжон, қоидаларга риоя қилиш ва ҳ.к.).

11. Ўқув топшириқларини (кутилаётган натижаларни) ишлаб чиққандан сўнг, кутилаётган натижаларга эришганлик даражасини баҳолаш бўйича назорат топшириқларини тузиш.

12. Дарс мазмунини акс эттириш учун усул ва воситаларни танлаш. Улар ҳам анъанавий, ҳам интерфаол усуллар бўлиши мумкин.

МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДИДАКТИК ТАЛАБЛАР

Муаммоли таълим XX асрнинг 70-80-йилларида олиб борилган изланишлар ва тажрибаларнинг ижодий якуни сифатида вужудга келган таълим шаклидир. Муаммоли таълим ҳақида фикр юритганимизда, бу таълим ўзи нима? Унинг қандай назарий асослари бор? У анъанавий таълимдан нима билан фарқ қиласди? Муаммоли таълимнинг мақсади нима? Муаммоли таълимни ўқитувчи қандай амалга оширади?, деган саволларга дуч келамиз.

Муаммоли таълим бу – ўқувчига бериладиган билимнинг қайси қисмини, қандай йўл билан бериш муаммосини самарали ҳал қилишга қаратилган ўқитувчи фаолиятидир. Муаммоли таълим дарсда бир вақтнинг ўзида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати бўлиб, у ўқувчи шахсидаги мухим белги – ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Н.Г.Дайри айттанидек, дарсда ўрганиладиган мазмуннинг мураккаб қисмини ўзлаштиришда ўқитувчининг фаолияти қандай бўлса, ўқувчи фао-

лиягини ҳам шу даражага етказиш муаммоли таълимнинг асосий мақсадидир. Муаммоли таълим – ўқувчиларнинг эркин фикрлашларига, ўзининг фикрини эркин баён қила олишларига ва фикрларни янада ривожлантиришларига таъсир этиш. Бунда ўқувчи дикқат билан тинглаши, мустакил ва ёлғиз фикрлаши, жамоа бўлиб фикрлаши, таҳлил қилиши, кўпчилик бўлиб муҳокама қилиши ва тўпланган фикрни баён қила олиши керак.

Агар ўқитувчи янги мавзуни таъсирли баён қилиб, кўргазмалардан унумли фойдаланса, баён ниҳоясида айrim ўқувчilar билан иш олиб борса, ўкув жараёни самарали бўлди ёки фаол бўлди, деб ҳисоблаш мумкин. Аммо, бу таълим усули анъанавий таълим беришдир.

Муаммоли таълим ўқитувчидан аниқ ҳаракат қилишни, дарснинг ҳар бир минутини ҳисобга олишни, ушбу вақтда керакли самира ҳосил бўлиши учун ўзининг барча имкониятларини ва маҳоратини ишга солишни талаб этади. Бу масалани ҳал этишининг муҳим шарти ўқитувчининг бўлажак ўкув машғулотига тайёр гарлигидир. Тайёр гарлик жараёнида муаммоли таълимнинг барча кўринишларини ҳисобга олиш ва унинг услубини ишлаб чиқиши зарур. Муаммоли таълимга тайёр гарлик кўришда ўқитувчilar қатор қийинчиликларга дуч келадилар. Бу қийинчиликларни енгишда ўқитувчининг инновацион ижодий лабораториясини аҳамияти катта.

Ана шундай қийинчиликлардан бири дарсни муаммоли ташкил қилиш ва муаммони ўрганиш усулини танлашдадир. Чунки танланган усул факат ўкув материалини ўзлаштиришни таъминлабгина қолмай, балки ўқувчilar фаолиятида мустакилликни ҳам таъминлаши зарур.

Иккинчи қийинчилик эса муаммоли таълимни кўринишини аниқлашда юзага келади, яъни ўқитувчи муаммони ечишга синфдаги барча ўқувчilarни жалб қиладими ёки вазифани айrim гурӯҳ ўқувчilariga бажартирадими? Бу қийинчилик ўқитувчida муаммоли вазият ва муаммонинг баёни ҳақидаги тасаввурларнинг этишмаслигидан келиб чиқади.


Учинчи қийинчилик эса дарсда ўқувчilarни қизиқишини ўйғотиш ва уни узлусиз ривожлантириб боришида кўринади. Чунки ўқувчilar дикқатини бир нуқтага мунтазам тўплашга ўқитувчининг тажрибаси ва маҳорати етмаслиги мумкин.

Муаммоли таълим ҳақидаги тўпланган маълумотларга асосланаб, шуни таъкидлаш лозимки, бу таълим тури илмий-услубий жиҳатдан З кўринишга эга.

1. Муаммоли вазиятни вужудга келтириш.
2. Муаммонинг кўйилиши.
3. Муаммонинг ечимини топиш.

Муаммоли вазиятни ўкув машғулотларининг барчасида шакллантириш мумкин. Уни дарс жараёнида қанча кўп шакллантириш ўқитувчiga боғлиқ. Муаммоли вазиятнинг аҳамияти шундаки, у ўқувчilar дикқатини бир жойга (муаммога) қаратади ва ўқувчilarни изланишга, фикрлашга ўргатади. Муаммоли таълим ўқитувчи раҳбарлигига муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо ўқувчilarнинг фаол, мустакил фаолияти натижасида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни ижодий ўзлаштириш ва ақлий фаолиятни ривожлантиришга имкон берадиган таълим жараёнини ташкил этишини назарда тутади.

Муаммоли таълимнинг муваффақияти қўйидаги омилларга боғлиқ:



2-расм. Муаммоли таълимнинг асосий омиллари

Муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, ўқувчининг муаммони ҳал этиш, мураккаб саволларга жавоб топиш жараёнида алоҳида объект, ҳодиса ва қонунларни таҳлил қилиш ва билимга асосланган фаол билиш фаолиятини тақозо этади.

Муаммоли таълим назариясида муаммоли вазиятнинг икки тури мавжуд:

1. Психологик муаммоли вазиятлар.
2. Педагогик муаммоли вазиятлар.

Психологик муаммоли вазиятлар ўқувчи фаолиятига, педагогик муаммоли вазиятлар ўқув жараёнининг ташкил этилишига тааллукли.

Муаммоли вазиятларнинг бу икки тури бир-бирини тақозо этади. Педагогик муаммоли вазиятлар ўқувидан факат фикр юритишинигина талаб қилмай, балки билиш мунозарасида иштирок этиш, у ёки бу ҳодиса ҳақидаги ҳётай ва илмий тасаввурларни қиёслаш, олимларнинг нуқтаи назарларини тақослаш, шунингдек, уларнинг қизиқишларини орттириш мақсадида дарс давомида янги далилларни маълум қилиш, мазкур далилларнинг фан-техника ривожи учун аҳамиятини ёритиши, ажабланарли далилларни баён этиш орқали вужудга келтирилади.

Муаммоли вазиятларни ҳал этишда ўқитувчи ўқувчилар фаолиятини фикр юритишининг мантикий операциялари: таҳлил, синтез, тақослаш, аналогия, умумлаштириш, таснифлаш ва хулоса ясашга йўналтиради.

Муаммоли вазиятлардан ўқув жараёнининг барча боскичларида: янги мавзу баёни, мустаҳкамлаш ва билимларни назорат қилишда муваффакиятли фойдаланиш мумкин. Муаммоли вазиятлар тизими муваффакиятли яратилган ҳолларда мазкур мавзуни муаммоли дарсларда шаклида ўтиш тавсия этилади. Ўқитиши жараёнига муаммоли дарсларни қўллаш учун ўқитувчи куйидагиларни ҳал килиши керак:

1. Ўқув дастури бўйича қайси мавзуларни муаммоли дарс шаклида ўтиш мумкинлигини;

2. Мавзу матнидаги масалалар бўйича муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган саволлар ва топширикларни аниқлашда дидактиканиг кетма-кетлик, изчиллик тамойилларига амал қилиш;

3. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқаришни таъминлайдиган восита ва усусларни аниқлаш, улардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиши йўлларини белгилаш зарур.

Муаммоли вазиятларнинг бир қанча турлари бор. Дарс жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ўқитувчининг маҳоратига, билими ва педагогик вазиятларни тўғри баҳолай олиш малакасига боғлиқ.



3-расм. Муаммоли вазиятнинг турлари

Муаммоли дарсларда ўқувчининг фаолияти, энг аввало, мавзу мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, ўқув муаммоларини аниқлаш, муаммоли вазиятларни яратиш, ўқувчилар олдига ўқув муаммоларини юкори илмий ва услубий савияда кўйиш, дарсда мазкур ўқув муаммоларидан самарали фойдаланишга эришиш, ўқувчилар фаолиятини муаммоларни ҳал этишга йўналтиришдан иборат.

Ўқувчи фаолияти муаммоли вазиятларни идрок этиш, ҳал қилиш усусларини излаш, муаммони таҳлил қилиб, тахминларни илгари суриш, тахминларни илмий, мантикий нуқтаи назардан асослаш, тахминларни текшириш ва хулоса чиқаришдан иборат.

Муаммоли дарснинг дидактик мақсади:

- ўқув муаммоларини ҳал этишда ўқувчилар ижодкорлигини ва танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш;
- янги билимларни эгаллаш кўнікмаларини шакллантириш;
- билимларни ижодий ўзлаштириш ва амалда қўллаш малакаларини ривожлантириш;

- изланувчанлиги, қизиқиши, мотивлари, мантикий тафаккури, ижодий фаолияти, аклий камолоти ва заковатини ризожлантиришдан иборат.

МУАММОЛИ ТАЪЛИМДА ДАРС ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Жамият ва унинг ижтимоий тараққиёти тарих фанининг объектини ташкил этади. Бу фанинг предмети ўтмишда рўй берган воқеа-ҳодисалар бўлиб, уларни илмий, холос ўрганиш ва ўкувчига ўргатиш, умуман, тарих фанини ўқитиш бутунги кунда давлат сиёсати даражасида белгиланади.

Ўкувчиларни ижтимоий онгини шакллантиришда тарих фанинг ўрни ва аҳамияти бугун ҳар қачонгидан ҳам юкори. Шу сабабли мазкур фан ўқитувчилари дарсни замон талаблари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Тарих фанини ўқитишга қўйилган Давлат таълим стандартларини бажаришда дарс жараёнини лойиҳалаш муҳим аҳамиятга эга.

Дарс жараёнини лойиҳалашда ўқитиш методларини тўғри танлаш, яъни методларни дарснинг вазифалари ва мазмунига мослиги, ўқитувчи ва ўкувчиларнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Ўқитувчи дарснинг лойиҳасини ишлаб чиқища куйидаги топшириқларни кетма-кет бир бутунликда амалга ошириши керак.

1-босқич. Ўқитувчи дастур, дарслик, методик қўлланма ва синф ўкувчиларининг умумий тавсифи билан танишиб чиқиши лозим.

2-боқич. Дарснинг асосий вазифалари мажмуасини: ўқитиш, таълимий мақсад, тарбиявий мақсад ва ривожлантирувчи мақсадларни ва вазифаларини белгилаш.

3-босқич. Дарснинг асосий босқичларини тўғри, аниқ ва изчилликда жойлаштириш.

4-босқич. Дарснинг ҳар бир босқичи мазмунидаги асосий ўринни ажратиб олиш.

5-босқич. Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитиш методларини, воситаларини, технологияларни танлаш.

6-босқич. Дарснинг ҳар бир қисми учун ўқитишнинг етакчи; умумсинфий, кичик гурух ва индивидуал шаклини танлаб олиш.

7-босқич. Бўш ўзлаштирувчи ва тайёргарлиги кучли бўлган ўкувчилар учун тафовутланган машқ ва вазифаларни танлаш.

8-босқич. Тегишли синф ўкувчилари учун вакт меъёларига мувофиқ уй вазифасининг мақбул ҳажмини танлаш.

Куйида биз 9-синф «Ўзбекистон тарихи» фанидан «XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи ва ердан фойдаланиш тартиби» мавзусидаги 1 соатлик дарснинг лойиҳасини келтириб ўтамиз.

Ушбу мавзуни ўрганишда ДТС бўйича ўкувчилар хонликларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини, давлат бошқаруви, хонликларнинг ҳарбий аҳволи, мавжуд солик ва мажбуриятларни, шунингдек, ер эгалигининг шаклларини ва ердан фойдаланиш тартиби ҳақидаги билимларни эгаллашлари талаб этилади.

Яъни ўқитувчи дарс жараёнидаги юқорида санаб ўтилган билимларни маълум кетма-кетликда ўкувчилар ўзлаштириб олишини таъминлаши керак.

Бугунги кунга келиб, тарихчилар тарихни шу даражада таҳлил килиб беришдики, натижада тарих дарсларида ўкувчиларга нимани, қайси воқеани ўқитиш керак ва қандай ўқитиш керак, деган муаммо пайдо бўлди, чунки саналар, воқеалар, терминлар, алоқалар ва тажрибалар шунчалик кўп.

Шу сабабли ДТС бўйича ҳар бир тарих дарсида ўрганилаётган материалнинг мазмуни, ҳажми, мақсади, моҳиятидан келиб чиқиб, ўқитувчи дарс жараёнининг лойиҳасини ишлаб чиқиши лозим.

Дарслидаги матн, кўшимча адабиётлар, қўлланма сифатида 9-синф Ўзбекистон тарихи дарслиги, умумий ўрта таълимнинг ДТС ва ўкув дастури, Б. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон тарихи манбалари», Азамат Зиёнинг «Биз ким, ўзбеклар...» асарлари танлаб олинди.

Мавзуни ўрганиш учун куйидаги режа ишлаб чиқилади:

1. Ўзбек хонликларининг майдони ва аҳолиси.
2. XIX асрда Ўрта Осиёда ер эгалигининг шакллари.
3. Суғориш иншоотларининг қурилиши.
4. Меднаткаш аҳолининг аҳволи.

Мавзуни режаси аниклаб олингач, ўқитувчи ҳар бир босқичнинг мазмунидаги асосий ўринни ажратиб олиши ва мавзуни ўрганаётганда ўкувчилар дикқатини шунга жалб қилишни ташкил этади.

Демак, ўзбек хонликларининг майдони ва аҳолисини ўрганишда асосий эътибор хонликларнинг чегараси, аҳолининг этник таркиби, феодал тарқоқликнинг сабаблари ва оқибатига қаратилади. Бу режани ўрганишда «SWOT – таҳлил қилиш» методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу метод ўқувчиларда мустақил, эркин фикрлашни ва ўз нуқтаи назарини баён қилиш имконини беради.

Кейинги босқичда Ўрта Осиё хонликларида ер эгалигининг шакллари ўқувчилар иштирокида таҳлил қилинади. Синф 3 гурӯхга ажратилади ва ер эгалигининг 3 та шаклини (амлок, мулк ва вакф) ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб беради. Бунда ер эгалиги шаклларининг бир-биридан фарқи, ердан ундириладиган солик турлари, фойдаланиш тартиби, мерос қилиб қолдириш масалалари муҳокама қилинади.

Мавзуни ўрганишнинг навбатдаги босқичида хонликлардаги сугориш иншоотларининг қурилиши, сугориш тизимини вужудга келиши, хўжаликдаги мавқеи ва аҳамияти, сугориш иншоотларини таъмиглаш масалалари, тўғонлар, каналлар ва ариклар қазиш, сувдан фойдаланиш тартиби (Шаҳрихонсой, Андижонсой, Чирчик, Бўзсув, Чўпонота тўғони, Зоғариқ, Хонариқ, Янгиарқ каналларининг қурилиши) га алоҳида аҳамият бериш лозим.

Бу босқични ўрганишда «Чархпалак» технологиясидан фойдаланишни тавсия этамиз. Бунда олдинги 3 та гурӯх 3 та хонликдаги сув иншоотларини қоғозга ёзиб чиқади. Ўз навбатида қоғозлар чархналақ услубида айлантирилади ва гурӯхлар бир-бирини тўлдириши лозим.

Мавзуни ўрганишнинг навбатдаги босқичида ўша даврдаги меҳнаткаш аҳолининг аҳволи таҳлил қилинади. Бу босқичда ҳар бир ўқувчи топширикни ёзма бажариб, билдирган фикрини асослаб бериши талаб этилади. Бунда «ФСМУ» (фикр, сабаб, мулоҳаза, умумлаштириш) технологиясидан фойдаланилади.

Демак, бутун дарс давомида метод ва технологияларнинг кўлланилиши кўйидаги кетма-кетликка эга бўлди:

1. «SWOT – таҳлил қилиш методи».
2. Чархпалак технологияси.
3. ФСМУ технологияси.

Ушбу кетма-кетлик мавзуни ўрганиш жараёнида бир бутунликда амалга оширилиши керак, шунингдек, мавзунинг ҳар бир кисми учун метод, восита, технологияларни танлаш баробарида

ўқитиши шакллари (кичик гурӯх, индивидуал) ҳам белгилаб борилди.

Дарс лойиҳасини тузишида навбатдаги вазифа бўш ўзлаштирувчи ва тайёргарлиги кучли бўлган ўқувчилар учун тафоутланган машқ ва вазифаларни танлашадир. Бунда бажариладиган топшириклар оддийдан мураккабга қараб бориши лозим.

Дарс лойиҳасининг якунида уй вазифасининг мазмуни жой олиши керак. Уй вазифаси дарсда ўтилган материалнинг мантиқий давоми бўлиши кераклигини назарда тутиб, юқоридаги мавзуу асосида уйга вазифани «Ўзбек хонликларининг XIX аср ўрталарида худудларини дафтарда чизма шаклда тасвирилаш ва унда сугориш тизимларини акс эттириш» каби мазмунда шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида айтиш ўринлики, дарснинг лойиҳасини ишлашда таълимнинг мақсади ва эришиладиган натижалар аниқ кўрсатиб ўтилиши лозим, шундай лойиҳалangan дарслар билим сифатини кафолатлади.

МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ

Муаммоли таълим жараёнида кичик гурӯхлар ишини ташкил этиш учун ўқитувчи қўйидагиларни яхши тушуниб олиши лозим:

1. Ўқувчининг индивидуал ҳаракатлари билан жамоа бўлиб ишлагандаги ҳаракатлари нимаси билан фарқланади?
2. Кичик гурӯхларнинг биргаликдаги ишидан қандай натижаларни кутиш мумкин?
3. Гурӯхнинг ҳамфирлилар жамоасига айланиши учун нималар қилиш керак?
4. Кичик гурӯх ва унинг таркибига кирувчи ўқувчининг ишини қандай баҳолаш керак?

Гурӯхлар билан ишлаш бўйича айрим маслаҳатлар

1. Ҳамкорлик гурӯхлари кам сонли бўлиши керак. Гурӯх қанчалик кичик бўлса шунчалик ҳар бир ўқувчи масъулиятироқ бўлади.
2. Ҳар бир гурӯх аъзосининг билимини индивидуал тартибда текшириш лозим.

3. Даврий тартибда танлаб (оралатиб) оғзаки сўровлар ўтказиш фойдали, бундай пайтда ўқувчилар гуруҳ аъзолари ёки бутун синф олдида гуруҳ иши ҳақида гапириб берадилар.

4. Барча гурухлар ишини кузатиб бориши ва гуруҳ аъзосининг умумий меҳнатда иштирок этган ҳамма ҳолатларини қайд этиши керак.

5. Ҳар бир гурухда «назоратчи» бўлиши керак, у ҳар бир гурухдошидан нима учун гуруҳ берилган саволга бошқача эмас, айнан шундай жавоб берганигини тушунтириб беришни сўраши мумкин.

Кичик гурухларда ишиланинг афзаллиги

- Ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади.
- Ўз вақтида ҳар томонлама алоқаларни таъминлайди.
- Мулоқотга киришиш кўникмасини такомиллашишига олиб келади.
- Вактни тежаш имконияти мавжуд.
- Барча таълим олувчиларни фаол ишилашга жалб этади.
- Ўз-ўзини ва гурухлараро баҳолаш имконияти мавжуд.

Кичик гурухларда ишиланинг камчиликлари

• Баъзан кичик гурухларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчилар ҳам паст баҳо олиши мумкин.

• Барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст даражада бўлади.

• Гурухлараро ўзаро салбий рақобат пайдо бўлиб қолиши мумкин.

• Гуруҳ ичida ўзаро низо келиб чиқиши мумкин.

Дарс жараёнида ўқувчиларни кичик гурухларга бўлиб ишилашиб яхши натижа беради. Кичик гурухлар билан ишилаганда куйидаги методлардан фойдаланиш мумкин:

1. *Баҳслар*. Бу усул ўқувчиларда тарихий воқеалар ҳақида мулоҳаза юритиб, фикрини баён қила олиш кўникмаси ва малакасини шакллантиради.

Куйидаги мавзуларда баҳс ўтказиш мумкин:

Миср эхромлари қандай қурилган?

Амир Темурнинг Русия олдидағи хизмати нимада?

Рим империяси нима учун инқирозга учради?

2. *Тадқиқот методи*. Ўқувчилар айрим тарихий воқеалар, жарайнлар ва урф-одатлар ҳақида тадқиқот ишларини ёзадилар ва химоя қиладилар. Бу ўқувчиларда манбалар билан ишилаш, турли тарихий манбаларни таққослай олиш кўникмасини шакллантиради.

Куйидаги мавзуларни ўрганаётганда тадқиқот методидан фойдаланиш мумкин:

Буюк ипак йўли – мулоқот йўли.

Афина давлатининг идора усувлари.

Қадимги Юнонистон тарихини ўрганишда достон ва афсоналарнинг ўрни.

Зардуштийларнинг анъаналари ва урф-одатлари.

МУАММОЛИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МЕТОДЛАР

Бугунги кунда ҳар бир педагог муаммоли таълимни ташкил этиш кўникмаси ва малакасига эга бўлиши, амалиётда муаммоли таълим технологияларидан фойдалана олиши зарур. Муаммоли таълимни амалга оширишда "Балиқ суюги", "Нима учун", "Қандай қилиб", "бхб" каби усуллар ва методлардан фойдаланиш мумкин. Муаммоли таълим жараёнида "Кейс-стади"лардан фойдаланиш, айниқса катта самарадорликка эришишга ёрдам беради. "Кейс" тушунчаси - ахборот мажмуаси, "Стади" тушунчаси - таълим, деган маънони билдиради. Кейс-стади – бу амалий вазиятни ёритиш асосида муаммони тушунишга, баҳолашга ва муаммонинг ечимини топишга ёрдам берувчи ахборот мажмуаси. Қўйида биз муаммоли таълим жараёнини амалга оширишда қўлланиладиган бир қанча методларга кенгроқ тўхтаб ўтамиш:

"МУАММОЛИ ВАЗИЯТ" МЕТОДИ

"Муаммоли вазият" методи таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабабини ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимларини топиш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган метод.

"Муаммоли вазият" методининг таркибий тузилиши қўйидагича:

Муаммоли вазият тавсифини келтириш

Д

Ўкувчиларни гуруҳларга бўлиш

Д

Гуруҳлар муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаши

Д

Гуруҳларнинг муаммоли вазиятни оқибатлари тўғрисидаги фикрларини жамланishi босқичи

Д

Гуруҳларни муаммоли вазиятни ечимини ишлаб чиқиш босқичи

Д

Тўғри ечимларни танлаш босқичи

"Муаммоли вазият" методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги ўкувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Ўкувчилар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлиши керак, чунки муаммони ечимини топа олмаса ўкувчиларнинг кизиқишилари сўниши ва болалар ўзига бўлган ишончини йўқотиши мумкин. Дарс жараёнида ушбу методдан фойдаланганда ўкувчилар мустақил фикр юритишга, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишга, унинг ечимини топишга ўрганадилар.

"Муаммоли вазият" методини кўллаш босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Ўқитувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди, муаммони баён қиласди.

2. Ўқитувчи ўкувчиларни топширикнинг вазифалари ва шартлари билан танишитиради.

3. Ўкувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар ва муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар. Барча гуруҳлар муаммонинг сабабларини ўрганиб чиққач, тақдимот ўтказадилар. Барча гуруҳлардаги муаммонинг сабаблари тўғрисидаги бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида гуруҳлар муаммонинг келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлари тўғрисида фикр юритадилар ва вақт тугагач, ҳар бир гуруҳ ўз тақдимотини ўтказади. Тақдимотдан кейин бир хил фикрлар яна жамланади.

6. Энди гуруҳлар муаммони ечишнинг турли йўллари ва имкониятларини муҳокама қиласдилар, тахлиллар ўтказадилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гуруҳлар муаммони ечиш бўйича ўз варианлари тақлиф этилган тақдимотни ўтказадилар.

8. Барча гуруҳларнинг тақдимотидан кейин бир хил ечимлар ёки оригинал ечимлар жамланади. Ўқитувчи ўкувчилар билан биргаликда муаммоли вазиятни ечишнинг энг мақбул вариантини танлаб олади.

Масалан, 9-синф "Ўзбекистон тарихи" фанидан "ХІХ аср охири – ХХ аср бошларида Туркистонда иқтисодиёт ва савдонинг ривожланиши" мавзусини ўрганишда "муаммоли вазият" методидан фойдаланиш яхши самара беради. Бу мавзуда асосий муаммо подио Россиясини Туркистон билан иқтисодий муносабатлари муаммоси бўлиб, ўқитувчи ушбу муаммо асосида муаммоли

топширикни қўяди. Муаммо: “Туркистонда “пахта талвасаси” муаммоси”, унинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, унинг ўша даврдаги ечими ва бугунги кундаги ҳолати ҳақида ўқувчиларнинг мустақил фикрлари ва уларнинг ушбу муаммони ечиш ҳақидаги таклиф варианtlари ўрганилади.

1-босқич: Ўқитувчи муаммони эълон қилгач, ўқувчиларни 4 та кичик гурухга ажратади ва барча гурухлар муаммонинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қиласидилар. Бунда 9-синф “Ўзбекистон тарихи” дарслигидаги матндан ҳам фойдаланиш тавсия этилади (вакт 7 дақиқагача).

2-босқичда гурухлар тақдимоти ўтказилади. Ҳар бир гурухга 2 дақиқа вакт берилади. Гурухлар тақдимоти тугагач, бир хил фикрлар жамланади. Муаммонинг асосий сабаби куйидагилар эканлиги аниқланади:

-Ўрта Осиёнинг ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган географик жойлашуви;

-XIX аср охирида Америка пахтасининг нархи ошиши;

-Америка пахтасининг Россияга ташиб келтирилишини қимматга тушиши;

-Туркистонда ер майдонларининг кўплиги ва ишчи кучининг арzonлиги;

-Тошкент якинида тажриба селекция базасининг ташкил этилганлиги;

-Россиялик тижоратчиларнинг Туркистон иқтисодиётига сармояларини сарфлашининг бошланиши;

-Туркистонда Россия банклари тизимининг кенгайиши ва уларни пахтчилик билан боғлик соҳаларга кредит, ссуда, қарз бериши ўз кўлида тўплаганлиги;

-Туркистонни Жаҳон капиталистик хўжалик тизимига аграр хом ашё куйруги сифатида тортилиши;

3-босқичда кичик гурухлар “пахта талвасаси” муаммосининг оқибатларини таҳлил қиласидилар ва гурух тақдимотини тайёрлайдилар. Вакт 6 дақиқа. Тақдимот учун вакт 2 дақиқадан. Тақдимот якуннида барча гурухлардаги бир хил фикрлар жамланади. Бу фикрлар:

-Туркистон Россиянинг пахта мустақиллигини таъминлади;

-1884 йилда Америка ва маҳаллий пахта навини чатиштириш натижасида аъло сифатли янги пахта нави яратилди;

-Пахта агросаноат мажмуаси вужудга келди, пахта майдони-пахта тозалаш заводи (Туркистонда), тўқимачилик фабрикаси (Россияда);

-Пахта интеграцияси йирик савдо саноат компанияларини пайдо бўлишига олиб келди;

-Туркистон қишлоқлари товар ишлаб чиқарувчига айланди;

-Туркистон қишлоқларида табақаланиш бошланди, яъни бир томондан ерсиз, қашшоқлашган дехқонлар ёлланма ишчилар армиясига айланди, савдогар дехқонларни эса судхўрлар қатламига ажralиши тез ўсиб борди;

-Чоракорлар ва мардикорлар қишлоқда пахта етиштиришда асосий ишчи кучига айланди;

-Туркистонлик маҳаллий майда ер эгаларининг қашшоқлашуви ва касодга учраши тезлашиб, ерлар йирик мулкдорлар томонидан арzon гаровга сотиб олинди;

-Туркистонда ғалла етиштириш кескин камайиб кетди, натижада ўлка Россиядан келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларига боғланиб қолди;

-майда хунармандчилек ишлаб чиқариши инқирозга учради ва хунармандлар ишсизлар сафини тўлдириб борди;

-Россия капитали маҳаллий саноатни синдириб, ўз маҳсулоти учун бозор яратди;

-Ўлканинг қолоклиги ва аҳолининг қашшоқлиги одатий ҳолга айланди ва подшо Россиянинг тартиботи ва тузилмалари зўравонлик билан ўрнатилди.

4-босқичда ўқувчилар ўз гурухларида муаммони ечишнинг турли имкониятларини таҳлил қилиб, ечим варианtlарини ишлаб чиқадилар. Вакт 8 дақиқа.

5-босқичда гурухлар ўзлари ишлаб чиқсан ечимларни тақдимот қиласидилар. Вакт ҳар гурухга 2 дақиқа.

6-босқичда барча гурухларнинг тақдимотидан сўнг оригинал варианtlар ва барча гурухлардаги бир хил ечим йўллари ўқитувчи раҳбарлигига танлаб олинади. Булар куйидагилар:

1-ечим йўли. Туркистон аҳолисини дунёқарашини ўзгартириш ва саводхонлигини ошириш йўли билан мустамлака сиёсатини, иктисолий қарамликни бартараф этиш мумкин эди. Бунинг учун Туркистон фуқароларида миллийлик ва ватанпарварликни шакллантириш мақсадида жадид мактабларига кенг йўл очиб берилиши керак эди.

2-ечим йўли. Туркистонни ташки дунёдан узиб қўйилганлигига эътибор берадиган бўлсак, маҳаллий бой савдогарлар ўз манфаатларини миллат манфаатидан устун қўймасдан, кишлок-ларни ривожлантиришга маблағ сарфлаши, кишлоқда маҳаллий саноатни ривожлантиришга аҳамият қаратганда “пахта талвасаси” ийларида майда хунармандчиликни капитал билан таъминлаш имкони бўлар эди.

3-ечим йўли. Туркистон пахтаси фақат Россияга жўнатиласдан, юқори нархларда бошқа пахтага эҳтиёжи бор давлатларга сотишни йўлга қўйиш, яъни Туркистонни ташки иқтисодий ва сиёсий алоқаларини ривожлантиришга маҳаллий миллат етакчилари кўпроқ аҳамият қартиши лозим эди.

4-ечим йўли. Россия капиталига қарши туро олиш учун маҳаллий капитал маблағлари бирлаштирилганда, ўлканинг иқтисодий мустакиллигини қайта тиклаш имконияти яратилар эди ва ҳ.к.

7-босқичда ўқитувчи дарснинг якуний хуносаларини ўқувчилар билан биргаликда яратади ҳамда гурух ышларини ва ишлаш жараёнидаги ўқувчиларнинг фоалиятини баҳолайди.

Тарих дарсларида ушбу методдан фойдаланиш ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиришга ёрдам беради, муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларини топишга ўргатади. Шунингдек, ўқувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратади, ўқувчиларни тизимли фикрлашга, ҳар қандай хатти-харакатнинг натижаларини таҳлил килишга ўргатади. Дарс жараёнидаги мотивациянинг юқори даражада бўлишини таъминлайди.

“ГАЛЕРЕЯ” МЕТОДИ

«Галерея» усули кичик гурухларда бирданига бир нечта масалани мухокама қилиш имконини беради. Бунда гурухнинг ҳар бир аъзоси барча таклиф этилган масалалар мухокамасида иштирок этиши ва ўз улушини кўшиши мумкин.

1-босқич. Масалани қўйиш. Ўқитувчи ҳар бир гурухга маълум муаммо ёки масалани беради.

2-босқич. Ҳар бир гурух ўз масаласи устида ишлаши. Масалалар устида ишлаш кичик гурухларда амалга оширилади (одатда 5-10 дакика).

3-босқич. Кичик гурухлар қўшни гурухлар масаласи ечимини охиригача етказишга ўтиши. Ҳар бир кичик гурух ўз гояларини ёзган катта варакни олмасдан доира бўйлаб силжийди. Вариант сифатида гурух силжиши ўрнига доира бўйлаб ишланган гоялар ёзилган катта варакни узатиш мумкин.

4-босқич. Қўшни масаласи ечимини охиригача етказиш. Ҳар бир кичик гурух варакка ёзилган қўшни гурух гояларини ўрганади; савол белгиси билан рози бўлмаганларни белгилайди; қўшни масаласи ечими бўйича ўз гояларини ёзди. 5 минутдан кейин гурухлар доира бўйлаб кейинги кичик гурухга ўтиб, яна жойлари билан алмашади. Силжишлар сони кичик гурухлар (қўйилган масалалар) сонига teng.

5-босқич. Ўз масаласига қайтиш. Масаладан масалага доира бўйича ўтишлар ҳар бир кичик гурух ўзининг дастлабки масаласига қайтиш билан тугалланади.

6-босқич. Такдимот ва иш натижалари мухокамаси. Ҳар бир гурух навбат билан ўзларининг қоғоз варакларида йигилган натижалар, гояларни тушунтириш ва шарҳлар билан тақдим этади. Бошқа гурухлар улар тақдимот қилаётган гурух варагига ёзган гояларини тушунтирадилар ва шарҳлайдилар. Зарур ҳолларда гоялар умумий гурухда мухокама қилинishi мумкин.

Масалан, 7-синф “Ўзбекистон тарихи” фанидан “Сомонийлар даврида ижтимоий-иктисодий ҳаёт” мавзусини ўрганиш жараёнидаги ушбу методдан фойдаланиш учун ўқувчилар кичик гурухларга ажратилади.

1-гурухга “Сомонийлар даврида қишлоқ ҳўжалигининг таракқиёти”,

2-гурухга “Чорвачилик ва хунармандчиликнинг ривожланишидаги ўзига хосликни аниқлаш”,

3-гурухга “Сомонийлар даврида кончиликнинг ривожлантирилиш сабабларини аниқлаш”,

4-гурухга “Ички ва ташки савдо соҳасидаги муваффакиятларни ўрганиш” масалалари топширилади.

Гурух иши ташкил этилгач, белгилangan вакт ичидаги ҳар бир гурух ўз масаласини мухокама қилиб, фикрларни қоғозга туширадилар. Вакт тугагач, гурухлар ўз қоғозларини шу жойда қолдириб, соат стрелкаси бўйлаб қўшни гурухни ўрнига силжийдилар ва ўша гурухни масаласини мухокама қилиб, ўз фикрларини ёзадилар. Бу

токи гурух ўзининг иш жойига қайтиб келгунча давом этади. Барча гурухлар ўз жойига қайтгач, тақдимот ўтказилади.

ДАРСЛИК ВА МАТН БИЛАН ИШЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

Тарих дарсларида билим беришнинг асосий воситаси китоб ва харита ҳисобланади. Тарихий манбалар ва харита ёрдамида бе-рилган матн мазмунини тўлиқ ва онгли равишда ўзлаштириб олиш учун ўқувчиларнинг ёзиш орқали билим олиш малакасини шакллантиришига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу сабабли тарих дарсларида ўқувчиларнинг китоб билан мустақил ишлашларини ташкил этишда қуйидаги методларни қўллап максадга мувофиқ ҳисобланади:

- ♦ **Тақриз ёзиш** – Тарихий воеа ва жараёнлар, шахслар ҳакида дарслкларда келтирилган қўшимча маълумотларни таҳлил килиб, ўз муносабатини ёзма равишда ифода этиш.
- ♦ **Конспект тузиш** – Матнни мустақил ўқиб, ўқиганини аник, лўнда ёза олиш.
- ♦ **Тезис тузиш** – Дарслик ёки тарихий манбадаги асосий фикрларни ажратиб олиш ва кетма-кет ёза олиш.
- ♦ **Аннотация** – Берилган матнни ўқиб, ўз тушунчасини қисқа ёза олиш.
- ♦ **Қисқа маълумотнома тузиш** – Статистик, хронологик, биографик маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш.
- ♦ **Мантиқий моделлаштириш** – Схемалар, чизмалар, диаграммаларда матн мазмунини ифодалаш.

«ДЕБАТЛАР» МЕТОДИ

Дебатлар – бу қарама-карши нуқтаи назарларнинг ўзаро баҳси (тўқнашуви) бўлиб, у ўқувчиларни танқидий фикрлашга, турли масалаларни ўрганиш ва ўзлари ҳақ эканлигига бошқаларни ишонтиришига ўргатади.

Дебатлар Қадимги Грецияда яратилган бўлиб, улар демократиянинг муҳим элементи бўлган. Афинада фуқаролар тақдим этилаётган қонунларнинг афзал томонлари ва камчиликлари ҳакида тортишар эдилар, масалани яхши тушуниш учун уни турли томондан таҳлил кила туриб, баҳслашиб усулларига ўрганар эдилар.

Дебатлар бу жамоа ўйини бўлиб, бунда жамоанинг ҳар бир аъзоси ўзининг бурч ва мажбуриятларига эга бўлади, ким ғалабага эришганини эса дебат якунида жамоаларнинг аргументлари, фактлари, фавқулодда саволлар ва уларга берилган жавоблар асосида ҳакамлар жамоаси ёки ҳакам белгилаб беради.

Ўқувчилар билан дебат ўтказгандага 3 та тамойилга амал қилиш керак:

1. Дебатлар кўп нарсага ўргатади (чунки дебат ўтказишдан максад факат ғалаба қозониш эмас, балки асосий максад дебатлар ёрдамида янги билимларни эгаллашдир).

2. Чиндиллик ва виждонлилик мажбурияти (бу тамойил дебатнинг ўзаги бўлиб, нотўғри аргумент келтириш ва чапараста саволларга жавоб беришда мантиқан нотўғри йўлдан кетишнинг олдини олади).

3. Ўзаро хурматни саклаш (дебат иштирокчиларининг шахсига тегмаслик шарт, ўзга ўқувчи томонидан айтилган назария ёки фикрга қарши чиқаётган бўлса, унинг обрўсини тўкиш максадга мувофиқ эмас. Чунки дебат - ғоялар ва бу ғояларнинг тўқнашувидан иборат).

Дебатда 2 та жамоа иштирок этади.

1-жамоа. Тасдикловчи томон сифатида;

2-жамоа. Қарама-карши ёки инкор этувчи томон сифатида.

Жамоалардан сўзга чикувчилар **спикерлар** дейилади.

T1, T2, T3-тасдикловчи томон спикерлари.

K1, K2, K3-қарама-карши томон спикерлари.

Дебатларда қуйидаги маҳоратлар зарур бўлади:

Танқидий тафаккур (танқидий фикр юритиши).

Тадқиқий малакалар.

Ташкилий малакалар.

Кулок солиш ва ёзма қайд қилиш малакаси.

Ўтказиладиган дебатнинг мавзуси аниқ, тасдиқловчи тугалланган фикр шаклида бўлиши керак.

Тасдиқловчи томон спикерлари ҳакамларни ўз нуқтаи назаррининг тўғрилигига ишонтиришга ҳаракат қиласи (масалан, буюк географик кашфиётлар мустамлакачилик урушларининг келиб чиқишидаги асосий сабабидир).

Инкор этувчи томон спикерлари тасдиқловчи томон нуқтаи назаррининг нотўғри эканлигига ҳакамларни ишонтиришга ҳаракат қилиши керак (мустамлакачилик урушларининг асосий сабаби географик кашфиётлар эмас, балки дунёда ҳукмронликка интилиш гоясидир ёки географик кашфиётларсиз ҳам мустамлакачилик урушлари бор эди).

Аргументлаш. Аргументлаш орқали ҳар иккала томон ҳакамларни ўз нуқтаи назари тўғри эканлигига ишонтириши керак. Аргументлар суст ёки кучли, ишонарли бўлиши мумкин.

Шунингдек, дебат иштирокчилари ўз нуқтаи назарларини мустаҳкамловчи далиллар (цитаталар, фактларни, статистик маълумотларни) тақдим қилишлари лозим.

Чапараста саволлар. Кўпчилик дебатларда ҳар бир иштирокчига оппонент жамоа спикерининг саволларига жавоб бериш имконияти берилади. Бир жамоа спикерининг саволи ва бошқа жамоа спикерининг жавоби раунди «чапараста саволга тутиш» дейилади.

Тарих дарсларида қўйидаги мавзуларда дебат ўтказини мумкин:

1. Франция-Пруссия уруши ягона немис давлатини ташкил топиши учун шарт эди.

2. Абдуллахон II нинг марказлаштириш сиёсати Шайбонийлар давлатининг инқирозига сабаб бўлди.

3. Инглиз-рус ракобати подшо Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олишидаги асосий сабабидир.

4. XVIII асрдаги ислом дини. Динни давлатдан ажратиш шарт эди.

5. Россия империясининг кўчириш сиёсатини оқлаш мумкин.

6. Туркистонда пахтачиликнинг ривожланиши қишлоқ хўжалигини инқирозга олиб келди.

7. Буюк географик кашфиётлар мустамлакачилик урушларининг асосий сабабидир.

Тарих дарсларида дебат ўтказиш учун ўқувчилар ва ўқитувчининг ўзи ҳам маҳсус тайёргарликка эга бўлиши ҳамда дебатнинг мавзуси олдиндан эълон қилиниши керак.

ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тарих дарсларида ушбу методдан фойдаланиш ўқувчиларда тарихий тафаккурни ривожлантиришга ёрдам беради. Методнинг моҳияти қўйидагича:

Ф – фикрингизни баён этинг.

С – нима учун шу фикрдагингизнинг сабабларини келтиринг.

М – кўрсатишган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг.

У – фикрларингизни умумлаштиринг.

Масалан, 7-синф ўқувчилари учун қўйидаги топширикни бериш мумкин: “Ўрта асрларда Мурғоб воҳасида сув хўжалиги бўйича 10 мингта яқин турли мансабдаги мираблар сув иншоотларининг назорати-ю сув тақсимоти билан банд бўлган. Бухоро воҳасида эса сув хўжалигини давлат қозиси бошқарган. Сизни фикрингизча, нима учун сувдан фойдаланишга шунчалик эътибор берилган?”.

Бу топширикни бажаришда берилган жадвалга ҳар бир ўқувчи аввал ўзининг фикрини ёзиши, нима учун шундай фикрга келганлигини сабабларини изоҳлаши, келтирилган сабабларни мисоллар билан мустаҳкамлаши ва шундай кейин умумий хulosасини баён этиши лозим. Бу жараёнда ўқувчи томонидан билдирилган ҳар бир фикр мисоллар билан асосланиши керак.

Фикр	Сабаб	Мисол	Умумий хуласа

“МУАММО” ТЕХНОЛОГИЯСИ

“Муаммо” технологияси ўрганилаётган мавзудаги асосий муаммони ажратиб олиш ва муаммони ўкувчилар томонидан мустақил ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилувчи технологиялардан бири ҳисобланади.

Масалан, 7-синф “Ўзбекистон тарихи” фанидан “Хоразмшоҳлар салтанатининг Мўғуллар давлати билан муносабатлари” мавзусини ўрганиш жараёнида ушбу методдан фойдаланиш яхши натижা беради. Бу мавзуда “Мўғуллар босқини арафасида Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ давлатининг бошқарув тизимида ги уруғ-аймоқчилик муаммоси”ни берилган жадвал асосида ҳар бир ўкувчи дарслидаги матндан фойдаланган ҳолда, мустақил таҳлил килиши мақсадга мувофиқ.

Муаммонинг тури	Муаммонинг сабаблари ва кўринишлари	Муаммони ҳал этиш учун харакатлар

“БУМЕРАНГ” ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ушбу технология дарс жараёнида, дарсдан ташқарида бўш вактларда турли адабиётлар, тарихий манбалар, матнлар билан ишлаш жараёнида ўкувчиларнинг ўрганилган материални яхши эслаб қолишига ёрдам беради, оғзаки нуткни ривожлантириш ва ўз фикрини эркин баён эта олиш малакасини шакллантиради, шунингдек, бир дарс давомида барча ўкувчиларни баҳолаш имконини берувчи технология ҳисобланади. Бу технологиядан янги мавзуни ёки материални ўрганиш жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Технологиядан фойдаланиш тартиби:

1-босқич. Ўкувчилар 4-5 кишидан иборат кичик гурухларга бўлинадилар.

2-босқич. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ва унинг ҳар бир аъзосига мустақил ўрганиш, фикрлаш ва ёдда сақлаб қолиш учун ўрганилаётган янги мавзу бўйича алоҳида ёзма тарқатма материал беради. Тарқатма материал умумий мавзунинг бир қисмини ташкил киладиган матндан ёки жадвалдан иборат бўлиб, гурухнинг барча

аъзоларига бир хил мазмунда бўлиши керак. Демак, янги мавзу олдиндан ташкил этиладиган гурухлар сонига қараб, 4 ёки 5 қисмга бўлинниши лозим. Шунда ҳар бир гуруҳ янги мавзуга оид алоҳида матнга эга бўлади.

3-босқич. Гурухнинг ҳар бир аъзоси матнни якка тартибда, алоҳида ўрганиб чиқиб, эслаб қолиши, кейин эса матнни гурух аъзолари ўзаро савол-жавоб асосида гурухда муҳокама қилиши керак. Матннинг катта кичиклигига қараб, бу ишга 10 дақиқа ажратилади.

4-босқич. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ёнига келиб, гурух аъзоларига олдиндан тайёрланган, рақам ёзилган қозозлардан биттадан олишни таклиф этади (қозоз сонига гурухдаги ўкувчилар сонига тенг бўлиши керак). Ўқитувчи рақамлар бўйича янги гурухлар тузишни таклиф этади (1 рақамини олганлар 1-гурух, 2 рақамини олганлар 2-гурух ва ҳоказо).

5-босқич. Янги тузилган гурухнинг ҳар бир аъзоси энди ўзига 2 та вазифани ҳам ўқитувчи, ҳам ўкувчи вазифасини олади. Яъни гурухнинг ҳар бир аъзоси олдинги гурухда ўзи ўрганиб чиқкан матн мазмунини янги гурух аъзоларига ўргатиши ва ўз навбатида, гурухнинг бошқа аъзоларининг матнларини ҳам ўзлаштириб олиши талаб этилади. Бунда гурухнинг ҳар бир иштирокчиси ўзи ўзлаштирган материални сўзлаб бериш орқали бошқаларга тушунтириши керак. Бунинг учун 20 дақиқа вақт ажратилади. Натижада рақамлар бўйича тузилган янги гурухлар умумий мавзу бўйича барча материалларни ўзлаштиришга эришадилар.

6-босқич. Гурухдагилар бир-бирларига ўз матнларини гапириб бергач, матн қандай ўзлаштирилганини текшириш учун ўқитувчи гуруҳ аъзоларини ўз матнларидан келиб чиқиб, бир-бирларига савол беришларини тушунтиради ва гуруҳ ичida шутариқа ички назорат ўтказилади. Бу эса гурухдагиларнинг бир-бирларига сўзлаб берган материалларини бошқалар томонидан қандай ўзлаштирилганини аниқлашга ва мустахкамлашга ёрдам беради.

7-босқич. Ўқитувчи барча ўкувчиларни олдинги гурухларига қайтишларини сўрайди ва ҳамма машғулот бошланишидаги гурухига қайтиши керак.

8-босқич. Ўқитувчи барча ўкувчиларнинг мавзуга оид ҳамма материал билан танишиб чиқсанлигини ҳисобга олган ҳолда, синфдаги хоҳлаган ўкувчисидан ушбу мавзуга оид хоҳлаган саволини

сўраши мумкинлигини айтади ва назорат саволларини рейтинг баллари асосида баҳолашни тушунтиради. Саволларга берилган жавоблар агар тўлик бўлса 3 балл, қўшимча қилинса 2 балл, ўтирган жойда луқма ташласа 1 балл, жавоб беролмаса 0 балл кўйилади. Гурух аъзоларининг жавобларини белгилаш ва ҳисоблаб бориш учун 1 ўкувчи тайинланади.

9-босқич. Ўқитувчи тарқатма материаллардаги саволлар асосида гурухларни ўзлаштиришини текшириб чиқади.

10-босқич. Энди ўқитувчи ҳар бир гурухга ўз материали асосида янгидан 3 та савол тузишни таклиф этади. Вакт 3-5 дақиқа.

11-босқич. Бу босқичда гурухлар бир бирларига ўзлари тузган саволларни берадилар ва берилган жавоблар юқоридаги тартибда ҳисобланади. Агар бошқа гурухлар саволга тўғри жавоб бера олмаса, гурух ўзи жавобни тўлдиради ва қўшимча баллга эга бўлади.

12-босқич. Якуний босқичда гурухлар тўплаган баллар ҳисобланиб гурух аъзолари сонига бўлинади. Балларни тақсимлашда гурух аъзоларининг ҳам фикрлари инобатга олиниши керак.

ЁЗИШ ВА ЎҚИШ ОРҚАЛИ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ёки «ИНСЕРТ» УСУЛИДА ЎҚИШ

Америкалик педагоглар томонидан тақдим этилган «Нотаниш матнини инсерт усули ёрдамида ўқиши» методи тарих дарсларида кўлланилса жуда самарали бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир тарих дарсида ўқувчilar янги маълумотлар, манбалар ва янги шахслар хаёти билан танишишлари керак бўлади.

Ўкувчи матнни охиригача ўқиб чиқиб, ҳозир ўқиганларидан ҳеч нарсани мутлақо эслаб қолмаслиги кўп ўқувчilar учун оддий ҳол ҳисобланади. Инсерт усули орқали ўқиши эса тушуниб ўқиши, ўқиши жараёнида фаол билим олиш имконини беради.

Инсерт (белги кўйиб ўқиши) – ўқиши ва ёзишни самарали амалга оширишда, ўқувчilarда дарслик билан ишлиш кўнникмаларини шакллантиришда айниқса кулагай усул.

Яъни бу усул конспект ёзишининг интерфаол усулидир.

Унда белгилар қуидагича бўлиши керак:

«V» – биламан.

«-» – ўйлаганимга зид, нотаниш.

«K» – янгилик.

«?» – тушунмадим, яъни қўшимча маълумот керак.

«!» – ҳайратландим.

Белгиланган матнни ўқиши жараёнида ўкувчи ўз билими ва тушунчаларига 5 турдаги белгиларни кўйиб боради. Ҳар бир сатр ёки бандни белгилаш шарт эмас. Ўкувчи хат бошига битта ёки икита белги кўйиши мумкин.

Ҳамма ўкувчи матнни ўқиб тутатгач, ўқитувчи қуидаги саволлар билан ўқувчilarга мурожаат қиласди:

«Энди нима ўқиганимиз ҳақида ўйланг» ва шеригингиз билан мухокама қилинг. Мухокама килиш учун саволлар қуидагилар:

1. Қандай билимлар тасдиқланди?

2. Қандай янги ахборот учратдингиз?

3. Сизда қандай саволлар тугилди?

4. Ўқиган матндан нимани тушунмадингиз?

5. Ўқиган матннага воеа, факт ёки жараёнга ўз муносабатинизни билдиринг.

Бу ишга матннинг катта кичикилгига қараб вакт ажратилади. Шундан сўнг ҳар бир ўкувчи ўзининг индивидуал жадвалини қуидагича тузиб чиқади.

№	«V» (билим)	«K» (янгилик)	«-» (нотаниш)	«?» (тушунмадим)	«!» (ҳайратландим)
1					
2					
3					

Инсерт усулидан фойдаланиш ўкувчига матнни онгли равишда, тушуниб ўқишида ёрдам беради. Фойдаланиладиган белгилар микдори эса ўқувчilarнинг ёши ва билим даражасига қараб камайтирилиши мумкин.

“ЗИНАМА-ЗИНА” ТЕХНОЛОГИЯСИ

“Зинама-зина” технологияси бутун бир дарс жараёнини камраб олишга мўлжалланган бўлиб, у ўқувчilarни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича якка ва кичик жамоаларга бўлиниси, фикрлаш, хотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириш, тўпланган маълумотларни умумлаштириш ва уларни ёзма, графика,

расм ёки чизмаларда ифодалай олишга ўргатади. “Зинама - зина” технологиясини кўллаш жараёнида ўқувчилар гуруҳ ичида якка ҳолда ёки гуруҳ ичида кичик гурухга ажралган ҳолда ёзма равишда ишлайдилар ва ўз ишларини тақдимот қиласидилар.

Ушбу технологиянинг мақсади ўқувчиларни эркин, мустакил ва мантикий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрлар асосида назарий ва амалий тушунчаларни келтириб чиқаришга ўргатади. Жамоага ўз фикри билан таъсир эта олиш, жамоа фикрини маъқуллаш ёки танқид килиш, таянч тушунчаларга изоҳ беришда эгалланган билимларни амалиётда кўллаш кўнгималарини шаклланишига ёрдам беради.

Зарур воситалар: технологиядан фойдаланиш жараёнида А-3, А-4 форматли қоғозлардан тайёрланган (мавзууни кичик мавзуларга ажратиб, шунга мос равишда қоғозлар тайёрланади) чап томонига, кичик мавзулар ёзилган тарқатма материаллар, маркерлар, скоч.

Технологияни кўллаш боқчиchlари:

1. Ўқитувчи ўқувчиларни кичик мавзулар сони мос равишда 4-5 кишидан иборат кичик гурухларга бўлади (гурухлар сони 4 ёки 5 та бўлиши мақсадга мувофиқ).

2. Ўқувчилар машгулотнинг мақсади ва уни ўтказиш тартиби билан таништирилади ва ҳар бир гурухга мавзу ёзилган тарқатма материаллар бериб чиқилади.

3. Гурух аъзолари тарқатма материалдаги кичик мавзу билан танишиб, шу мавзу асосида билган маълумотларини маркерлар ёрдамида расм, чизма, графика, жадвал шаклида берилган тарқатмадаги бўш жойда акс эттиришлари тушунтирилади ва вақт белгиланади. Гурух аъзолари ўзларига берилган мавзу бўйича иложи борича тўлиқ маълумотларни акс эттиришлари лозим.

4. Вақт тугагач, гурухлар ишини гурухнинг бир аъзоси доскада тақдимот қиласиди. Тақдимот вақтида гурухлар томонидан тайёрланган маълумотлар доскага мантикий кетма-кетликда (худди зина шаклида) илинади.

5. Ўқитувчи гурухлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб, зарур жойларини тўлдиради.

6. Барча ўқувчилар иштироқида гурухларнинг иши сифати, мазмунни, дизайнинг қараб рангли карточкалар ёрдамида баҳоланади. Бунда ўқитувчи барча ўқувчиларга рангли карточкалар тарқатади ва ҳар бир ўқувчи энг сифатли иш деб ҳисоблаган гурухнинг тақдимот қоғозига қўлидаги карточкани ёпишишириб

кўяди ва энг кўп карточка олган гурухнинг иши ғолиб деб топилади.


Ушбу технологияни тарих фанида тақорорлаш, умумлаштириш ёки тарихий даврлар ва сулолалар ҳақидаги мавзуларни ўрганадиган дарсларда кўллаш яхши самара беради. Куйида биз 7-синф “Ўзбекистон тарихи” фанидан “Чиғатой улусининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва маданий хаёти” мавзуси бўйича “Зинама-зина” технологияси асосида ўқувчилар томонидан тайёрланган тақдимотни келтириб ўтамиз (гурухлар томонидан тайёрланган тақдимотлар синф доскасига кўйидаги тартибда зина шаклида олдиндан илиб кўйилади):

1. Кебекхон ва унинг ислоҳотлари


2. Чиғатой улусининг бўлиниши

3. Ер эгалиги шакллари


4. Чиғатой улусида маданий хаёт



**2-гурухнинг тақдимоти
Чигатой улусининг бўлиниши**



**3-гурухнинг тақдимоти
Ер эгалигининг 4 тури**



**4-гурухнинг тақдимоти
Маданий хаёт**



«ИККИ ҚИСМЛИ КУНДАЛИК» МЕТОДИ

«Икки қисмли кундалик» методи дарснинг, янги мавзууни ўрганаётган қисмида ёки янги терминлар, тушунчаларни мустаҳкамлаш учун фойдаланилади.

Бу метод билан ишлаш асосан ёзма шаклда амалга оширилади. Бунда ўкувчи ўзининг конспект дафтарини икки қисмга ажратади. Янги ўрганилган тушунгга, таъриф ёки изоҳлар дафтарнинг биринчи томонига ёзилади. Иккинчи томонга эса ҳар бир ўкувчи берилган таърифдан келиб чиқиб, ўзининг таърифини бир нечта варианда ёзиши керак. Масалан,

<i>Берилган таъриф</i>	<i>Ўқувчининг таърифи</i>
<p>Сателлит – (лотинча - йўлдош, ҳамфикр) расман мустақил, бироқ амалда бошқа, нисбатан кучли давлатга бўйсунувчи давлатнинг сиёсий мақоми.</p>	<p>1. Кучли давлатни бошқа кучсиз давлатга нисбатан амалга оширадиган камситувчи сиёсати. 2. Мустақил, лекин кучсиз давлатнинг ўзидан кучли бўлган давлатга мажбурий бўйсунуви. 3. Германияни 1939 йилда Словакияга нисбатан қўллаган сиёсий найранги. 4. Номигагина мустақил бўлиб, амалда бошқа давлатга мажбурий бўйсунувчи давлатнинг сиёсий мақоми.</p>

Бу метод ўқувчиларда фикрлаш маҳоратини ривожлантиради. Эслаб қолиш қобилиятини кучайтиради ва ўзлаштириш даражасини оширишга ёрдам беради.

ХРОНОЛОГИК БОШҚОТИРМАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Тарих таълимида синхрон (бир вақтда ўзаро мос равища) ва хронологик жадвалларни тўлдириш тарих курсларида мавжуд бўлган бир турдаги фактлар ҳақидаги билимларни системалаштиради.

Масалан, Фарбий Европа ва Ўзбекистон ҳудудида ерга эгалик муносабатларининг шакланишини таққосланг (синхрон жадвал шаклида)

Фарбий Европада

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.

Ўзбекистон ҳудудида

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.

Шунингдек, тарих дарсларида узвийлик ва узлуксизни таъминлаш мақсадида янги мавзудаги воқеаларни ўтилган материаллар билан боғлаш, замон ва маконда таҳлил қилиш кўникмасини ривожлантириш мақсадида хронологик бошқотирмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хронологик бошқотирмалардан намуналар

Дафтaringизга квадрат чизиб, уни вертикал ва горизонтал ҳолда 4 та катакка тенг бўлиб, ўнг томондан охирги катакка Ўзбекистон тарихидан янги мавзуда ўрганилган, жаҳон аҳамиятига молик мухим тарихий воқеанинг санасини (вертикал ҳолда, тепадан пастга қараб) ёзинг. Қолган катакларни горизонтал ҳолда тарихий саналар билан шундай тўлдирингки, унда жаҳон тарихидаги мухим саналар акс эттирилсин.

Масалан, 1-бошқотирма

A)	1	4	1	1
B)	1	5	1	7
C)	1	3	8	1
D)	1	5	4	0

1. Кўқон хонлигининг ташкил топиши (1710 йил).
- А) Германиялик машхур рассом Альберт Дьюрер тугилган йил
- В) Европада реформациянинг бошланиши.
- С) Англияда Уотт Тайлер кўзғолонининг бошланиши.
- Д) Европада реформацияга қарши «Исо жамияти», яъни Иузитлар орденини тасдиқланиши.

2-бошқотирма

A)				1
B)				8
C)				7
D)				3

1. Подшо Россияси томонидан Хива хонлиги босиб олинган йил (1873).
- А) Чингизхоннинг Урганчга ҳужуми бошлаган йили (1221).
- В) Улугбек расадхонаси курилиши бошланган йил (1428).

С) Юз йиллик уруш бошланган йил (1337).

Д) Нидерландияда герцог Альбанинг хукмронлиги тугаган йил (1573).

SWOT – УНИВЕРСАЛ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МЕТОДИ

Ушбу метод турли мақсадларда қўлланиладиган методлардан бири ҳисобланади. Унинг номи инглизча сўзларнинг биринчи ҳарфидан олинган бўлиб, **Strengths** – кучли томонлар, **Weaknesses** – кучсиз томонлар ёки муаммолар, **Opportunities** – гашқи имкониятлар, **Threats**-ташқи мухитда мавжуд ҳавф-хатарлар.

Масалан, “XVII-XVIII асрларда Хива ҳонлигидаги ижтимоий-сиёсий вазият” мавзусини **SWOT** - таҳлил методидан фойдаланган ҳолда ўтказиш мумкин.

S	Хонликнинг кучли томонлари	1. 2. 3. 4.
W	Хонликнинг кучсиз томонлари	1. 2. 3. 4.
O	Хонликда мавжуд имкониятлар (ташқи имкониятлар)	A. B. C. D.
T	Хонликка нисбатан мавжуд бўлган ташқи ҳавф-хатарлар	A. B. C. D.

Тарих дарсларида **SWOT** – универсал таҳлил методини қўллаш давлатларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётига оид мавзуларни, маълум бир тарихий даврларни умумий обзорига оид мавзуларни ўрганиш жараёнида қўллаш самарали бўлиши мумкин. Шунингдек, бир тарихий даврда мавжуд бўлган турли давлатларни ўрганиш ва уларни ўзаро таққослаш талаб этиладиган мавзуларда, машҳур тарихий шахслар фаолиятини ўргангандан ушбу методни қўллаш ўкувчиларда мустақил, эркин фикрлашни ва ўз нуқтаи назарини баён қилиш имконини беради.

ДАРС ИШЛАНМАЛАРИДАН НАМУНАЛАР

МАВЗУ: “АФИНА – ХУДОЛАР ШАҲРИГА САЁҲАТ”
6-синф тарих фанидан экскурсия дарси

Дарснинг мақсади:

1. Ривожлантирувчи мақсад - ўкувчиларнинг эстетик тасаввурларини ривожлантириш;
2. Таълимий мақсад - Афина ва қадимги Юнонистон тарихига оид маълумотларни тақорглаш;
3. Тарбиявий мақсад - ўкувчиларда толерантлик, бошқа миллатлар маданиятига ҳурматни шакллантириш.

Дарснинг вазифалари:

1. Афинанинг 3 та бош районини ўрганиш учун синфда қулай вазиятни вужудга келтириш;
 - Афинада эр.ав.V асрдагача мавжуд бўлган антик маданиятнинг машҳур ёдгорликлари билан таништириш;
 - Қадимги афиналикларнинг кундаклик турмуш тарзи ҳақида ўкувчиларнинг тасаввурларини ривожлантириш;
 - 2. Қадимги Юнонистон тарихига бўлган қизиқишини тарбиялашга ёрдамлашиш, антик маданиятнинг қимматини тушуниш, тарихни ўрганишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш.
 - 3. Ўкувчи шахсини ривожлантиришга ёрдам бериш, яъни:
 - ўтмиш воқеаларини тассаввур қилишга ўргатиш, дикқатни барқарорлаштириш, эстетик ва одоб-ахлоқ туйгуларини шакллантириш;
 - умумий дунёқарашни кенгайтириш;
 - компьютерда амалий ишлаш кўникмаларини шакллантириш.

Дарс типи: аралаш дарс

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм. “Дарс мавзуси” слайди экранда намойиш этилади.

Ўқитувчи қулай эмоцинал-рухий ҳолатни вужудга келтириш учун:

Болалар бугун бизнинг дарсимиз одатдагидан фарқ қиласди. Бугун сизлар дарсда ўкувчи сифатида эмас, балки саёҳатчи-турист сифатида иштирок этасизлар. Маълумки, кўпгина саёҳатчилар дунё бўйлаб мақсадли саёҳатта чиқадилар, яъни улар саёҳат давомида факат ёрқин таассуротларга эга бўлиш учунгина эмас, балки бошқа мамлакатлар ҳақидаги билимларини кенгайтиришни ҳам ўз олдига

мақсад қилиб қўядилар. Келинглар, биз ҳам шу асосда саёхатга чиқишдан олдин ўз олдимизга маълум бир мақсадларни қўйиб оламиз. Демак, бизнинг мақсадимиз (“Афина бўйлаб саёхатдан мақсадимиз” слайди намойиш этилади):

-Қадимги Афинанинг турли худудларида бўлиш ва уларни таққослаш;

-Қадимги Афинанинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

-Қадимги Афинадан замонавий Афинага нималар етиб келганини аниқлаш;

-Янги тарихий атамаларни ўрганиш.

2. Ўқувчиларни фаоллаштириш босқичи (ўқитувчи ролли ўйин ташкил этиди). - Сизга маълумки, саёхатга чиқишдан олдин ҳар бир саёхатчи ўзига “йўлланма” сотиб олиши керак. Мен ҳам ҳозир ҳар бирингизга йўлланма сотиб олишини таклиф этаман. Хавотирга тушманлар, бизда йўлланмалар пулга эмас, Қадимги Афина тўғрисидаги билимларга сотилади (“Тушунтириб бер” ва “Ўрнига қўйиб чиқ” номли жадваллар слайди намойиш этилади).

“Тушунтириб бер”

1. Эр.ав.776 йил

2. Посейдон

3. Триера

4. Илотлар

5. “Дракон қонунлари”

“Ўрнига қўйиб чиқ”

1. Атлетикачилар мусобақаси ўтказиладиган жой

2. Муҳаббат ва гўзаллик худоси

3. “Илиада” ва “Одиссея”нинг муаллифи

4. Афинанинг бош полиси, Ўрта Грециядаги вилоят

5. Марафон жангининг санаси

Ўқитувчи: – ҳар ким ўзи учун бир устундаги топширикни эркин танлаб олиши мумкин. Топширикни тўғри, аниқ ва тез баражган, 5 та ёки 4 та саволга тўғри жавоб берган ўқувчилар Афинага йўлланмани қўлга киритади. Ҳаммага омад!

Ўқувчилар бу топширикларни бажарадилар. Ким “Ўрнига қўйиб чиқ” устунидаги саволларни танлаган бўлса, берилган гапларни мос келадиган атама, йиллар ва исмлар билан алмаштириб чиқиши, “Тушунтириб бер” устунини танлаган ўқувчи эса берилган атама, йиллар, шахсларни умумий тавсифини ёзиб чиқиши лозим. Вакт 5 дақиқа (вакт тугагач, “Ўзингни текшириб кўр” слайди намойиш этилади).

“Тушунтириб бер” жавоблари “Ўрнига қўйиб чиқ” жавоблари

1. Биринчи олимпиада ўйинлари

1. Стадион

2. Денгиз худоси

3. Грек ҳарбий кемаси

4. Спарталикларнинг қуллари

5. Шафқатсиз қонунлар

2. Афродита

3. Гомер

4. Аттика

5. Эр.ав. 490 йил

Ўқувчилар ўз жавобларини текширгач, ўқитувчи 5 та ва 4 та саволга тўғри жавоб берган ўқувчиларни қўл кўтаришларини сўрайди ва шу ўқувчиларга Қадимги Афинага йўлланмаларни тарқатади. Қолган ўқувчиларга эса қўшимча топшириклар ёзилган карточкаларни топширади ва топширикларни уйга вазифа эканлигини айтади. Уларга кейинги дарсда “Тарихий отишма” ўйинида иштирок этиш учун топшириқ берилади.

Ўқитувчи ўқувчиларни фаоллигини ошириш учун “Гермес” слайдини намойиш этиб, интерфаол сұхбат ўтказади.

Ўқитувчи: - биз саёхатимизни бошлаш арафасида жуда муҳим бўлган бир шахс билан учрашишимиз зарур. Мен ўйланманки, сиз бу шахсни дарҳол танидингиз (ўқувчилар Гермеснинг овозли нутқини эшитадилар ва уни таниб олгач), ўқитувчи драматик элементлардан фойдаланиб, ўқувчиларга юзланади: - Кўзларимизни юмамиз ва тасаввур қиласиз, биз ҳозир Гермеснинг сандал дараҳтидан ясалган учар қанотлари устида Қадимги Афинага йўл оламиз.

3. Янги мавзуни ўрганишини бошланиши.

“Афина манзаралари” видеослайди намойиш этилади. Ўқитувчи ҳикоя бошлайди: - Болалар, аҳамият беринг. Биз ҳозир замонавий Афина устидан учеб ўтмоқдамиз. Сиз антик маданият ёдгорликларини қандай ҳолатда сақланиб қолганлигини кўряпсиз. Янграётган мусиқа эса юонларнинг машҳур “Сиртаки” куйи. Нима деб ўйлайсиз, нега бу мусиқа жуда ғамгин ва нолали.

Ўқувчилар фикр билдирадилар.

Ўқитувчи: – тўғри, ҳамма нарса вайрон қилингандан кейин, буюк ибодатхоналарини юонлар сақлаб қололмагач, бу мусиқани ўзларининг ташвишларини ифодаси сифатида яратгандар. Чунки 1867 йилда венецияликларнинг турклар билан бўлган урушидан кейин юонлар Афинанинг буюклигини сақлаб қола олмаганлар. Бунинг устига коллекционерлар антик маданият дурданаларини Афинадан ташқариға олиб кетгандар.

Ўқитувчи: – ва ниҳоят, биз ерга қўньяпмиз (слайд якунланади). Милоддан аввалги V асрдаги Афинага хуш келибсиз (“Афина эр.ав. V асрда” деган слайд намойиш этилади)! Ўқувчиларни фаол-

лаштириш учун ўқитувчи айтади: – афиналиклар ўз шаҳарларини жуда севишган ва ҳатто, у ҳакида ибора ҳам ўйлаб топишган. У қандай ибора эди?

Ўқувчилар жавоби: – “Агар сен Афинага келган бўлсангу, у сенга ёқмаган бўлса, демак сен эшаксан!”.

Ўқитувчи: – лекин бу ибора сиз ҳакингизда эмас, албатта. Чунки сиз Афинанинг гўзаллигини ва буюклигини баҳолашга кодирсиз. Энди эса кўлингиздаги йўлланмага бугунги санани ва биз етиб келган шаҳар номини ёзиб кўясим.

Ўқитувчи: – (“Керамика” районини ўрганиш учун шароит яратиш мақсадда) биз Афинага Пирей тоғига борадиган йўл томондан кириб келамиз. Бу худуд бизни диккатимизни жуда ҳам ўзига тортмаяпти. Атрофимизда кўлмаклар, ҳавони печларнинг тутуни эгаллаган, уйлар эса пастак ва кўримсиз ахволда. Нима деб ўйлайсиз, биз Афинанинг қайси худудидамиз?

Ўқувчилар: бу районни “Керамика” эканлигини топгач, ўқитувчи изоҳ беради. – “Керамик” юон тилидан таржима килганда, “гил, тупрок” деган маънони билдиради. Ўқувчилар дафтарга “Керамика кулоллар яшайдиган ҳудуд” деб ёзиб кўядилар.

Ўқитувчи: (“Устахонада” деган слайдни намойиш этиб) ўқувчиларни тадқиқот фаолиятига жалб қиласди: – Ҳозир сизлар ўзингиз кўриб турган ушбу устахонага хаёлан кирасизлар ва ҳар бирингиз устахонанинг тузилишини, у ердаги одамларни Афина полиси, яъни жамиятидаги мавқеини ёритиб берасизлар (вакт 5 минут).

Ўқувчилар слайддаги тасвир асосида тадқиқот фаолиятини амалга оширадилар. Вакт тугагач, ўқувчиларнинг фикрлари эшитилади ва ўқитувчи слайднинг мазмуни, рангли сопол идишлар ва уларни ишлаб чиқиш жараёни, бошқа рангдаги сопол идишлар ҳакида маълумот беради.

Ўқитувчи дарсдаги оралиқ хulosани яратиш учун:

-Ўқувчилар, биз Афинанинг қайси районида бўлдик? Бу район ҳакида нималарни эслаб колдик (ўқувчиларни фикрлари тингланади)?

Ўқитувчи: - Биз “Керамика”ни тарк этамиз ва энди Афинанинг бош майдони Агорага борамиз (“Агора” номли слайд намойиш этилади).

Ўқитувчи: - Нега Агора Афинанинг юраги деб ҳисобланади?, -деган савол билан ўқувчиларнинг мустақил ишларини

ташкил этади (слайдда Гефест ибодатхонаси, “Бешюзлар кенгаси” биноси, колонналар намойиш этилади).

Мустақил ишларнинг натижалари эшитилгач, ўқувчилар дафтарга “Агора - Афинанинг бош майдони” деб ёзиб кўяди.

Ўқитувчи ўқувчиларни олдинги мавзуларга эгаллаган билимларини эсга олиш мақсадида: – Болалар тасаввур килинг, биз ҳозир узун, тик кўтарилиган, баланд қиялиқдан тепалик сари кўтарилиб боряпмиз. Биз олдинги дарсларда бундай тепаликларни иккитасини билиб олган эдик. Улар қайсилар?

Ўқувчилар: – Ареопаг – Архонтлар йигиладиган тепалик, Пникс - ҳалқ йигинлари ўтадиган жойнинг этак қисми, - деб жавоб беради.

Ўқитувчи: – Акрополь – Афинадаги энг баланд тепалик бўлиб, “акрополис” юонча “юқори шаҳар” деган маънони билдиради. У Афинадаги энг муқаддас жой ҳисобланади. Болалар нега шундай? Ўқувчилар жавобидан кейин, ўқитувчи Акрополь тепасида шаҳарнинг бош ибодатхонаси жойлашганинги айтиб ўтади. Ўқувчилар дафтарга “Акрополь шаҳарнинг бош ибодатхоналари жойлашгани энг мустақам қисми” деб ёзиб кўяди.

Ўқитувчи: - форслар Аттикага хужум килганда Афина бутунлай ер билан янсон қилинган, аммо форслар Эллададан ҳайдалгач, афиналиклар шаҳарни қайта тиклаган ва Акрополда янги буюк ибодатхона курганлар. Келинг, Акрополни мил.ав. V асрдаги кўринишини, баландлигини томоша қиласмиз (“Акрополь” слайди намойиш этилади).

Ўқитувчи – Қанотсиз Ники ибодатхонаси ҳакидаги ривоятни ким билишини ўқувчилардан сўрайди. Ўқувчиларни жавобидан кейин ўзи Афина ва Посейдон ўртасидаги баҳсни, унинг сабаби ва оқибатларини айтиб беради.

Ўқитувчи – Парфенон тўғрисида интерфаол сухбат ташкил этади. Ўқувчилар афсоналарга асосланган ҳолда Фидий қандай қилиб, Афинани ҳайкалини худди тирикка ўхшатиб ясагани ҳакида баҳслашадилар. Ўқувчилар дафтарларига “Парфенон - Афинадаги ибодатхона, Фидий – архитектор, ҳайкалтарош” деб ёзиб кўядилар.

Ўқитувчи: – колонналар антик саройларнинг асосий белгиси ҳисобланади. Келинг энди колонналарни асосий турларини ажратиб оламиз (“Колонналар” слайди намойиш этилади, унда З хил колоннали саройлар акс эттирилган). Ўқувчилар мустақил ишлаб, ко-

лонналарнинг бир-биридан фарқи, уларнинг қайси услугга мослигини аниқлайдилар. Ўзаро фикр алмашадилар, бунда ҳар бир ўкувчининг фикрини билиш муҳимдир.

Ўқитувчи: ўкувчиларни рағбатлантириб, – баракалла болалар, сиз ўзингизни ҳақиқий архитектордай тутиб фикрлашдингиз. Раҳмат. Аммо, мени назаримда сиз бир оз чарчаганга ўхшайсиз. Келинг, энди биз афиналикнинг уйида меҳмон бўламиз (“Афиналикнинг уйида меҳмонда” деб номланган слайд намойиш этилади). Ўқитувчи ўкувчилар билан афиналикларнинг кундалик турмуш тарзи, анъаналари, қадриятлари, хўжалик ҳаёти ҳақида сұхбатлашади ва ҳаёлан ўкувчилар ўзларини бой афиналикнинг уйида меҳмонда тасаввур килиб, таассуротларини ўртоқлашадилар.

4. Билимларни мустаҳкамлаш босқичи.

Ўқитувчи: - шундай қилиб, афиналикнинг уйидан меҳмондорчиликдан қайтамиз. Демак, бизни саёҳатимиз ўз ниҳоясига етмоқда. Келинг, энди бир эслаб кўрамиз. Биз Афинанинг қайси худудларида бўлдик? Ўкувчиларнинг жавоблари эштиради. Энди эса Гермеснинг учар қанотларига чиқамиз ва ўз уйимизга XXI асрга Афина ҳақидаги билимларимиздан иборат юкларимизни олиб қайтамиз. Келинг, бу билимларни қанчалик мустаҳкам эканлигини текшириб кўрамиз (“Билимларни текшириш” слайди).

1. Афинанинг бош майдони

Керамика;

Агора;

Акрополь.

2. Ёғ ва вино сакланадиган сопол идиш.....

Амфора;

Гидрия;

Пифос.

3. Парфенон ибодатхонасининг колонналари.....

Ионик услубда;

Коринф услубида;

Дорий услубида.

5. Рефлексия.

Ўқитувчи: - болалар биз дарсда олдимизга қўйган вазифани бажардикми?

Сиз дарс жараёнида нималарни ҳис қилдингиз?

Саёҳатимизга нисбатан ўз муносабатингизни билдиринг.

Ўзингиз дарс жараёнида фаолиятингизни баҳоланг.

Саёҳатни яна қайси жиҳатларини эътиборга олишни таклиф қиласиз?

Ушбу саволлар орқали ўқувчилар ўз таассуротларини муҳокама қиласидилар, фикр билдирадилар. Дарс якунида ўқитувчининг столига ҳар бир ўкувчи ўз кайфиятини акс эттирган карточкаларни қўядилар: кулиб турган, бефарқ, ғамгин ўкувчи тасвирларидан бирини танлаган ҳолда.

Ўйга вазифа: “Афина” кроссвордини тушиб келиш.

ДАРСДА МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ЯРАТИШГА МИСОЛЛАР

Муаммоли вазиятни ўкув машғулотларининг барчасида шакллантириш мумкин. Уни дарс жараёнида қанча кўп шакллантириш ўқитувчига боғлиқ. Муаммоли вазиятнинг аҳамияти шундаки у ўкувчилар дикқатини бир жойга (муаммога) қаратади ва ўкувчиларни изланишга, фикрлашга ўргатади. Муаммоли вазиятни яраттганда ўқитувчи ўкувчилар ўз дикқатларини нималарга қаратишлари кераклигини айтиши мақсадга мувофиқдир.

Масалан, «Подшо Россиясининг Хива ҳонлигини босиб олиши» (9-синф, Ўзбекистон тарихи) мавзусида ўқувчилар дикқатини икки муаммога қаратиш зарур. Бунинг учун ўқитувчи:

1. Хива ҳонлигининг бўйсундирилиши Россияга қандай манфаат келтирас эди?, деган саволни кўйиб муаммоли вазиятни вужудга келтирди. Ўқувчилар ечим жараёнида ўқитувчи билан бирга ҳаракат қилиб, муаммо юзасидан фикр ва мулоҳазаларини баён этиб, муаммонинг ечимига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

2. Туркманларнинг кўзғолонини таҳлил қилинг. Нима учун кўзғолон енгилди? Бу савол билан ўқитувчи иккинчи муаммоли вазиятни вужудга келтирди. Ўқувчилар ечим жараёнида ўқитувчи билан бирга ҳаракат қилиб, муаммо юзасидан фикр ва мулоҳазаларини баён этиб, муаммонинг ечимига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Муаммони ечиш жараёнида ўқитувчи ўкувчиларга энг зарур фикрни айтмайди, аммо, шу фикрни шакллантирувчи далилларни, фактларни келтириб ўтиши керак бўлади.

«Афинада демократия» (6-синф) мавзусида муаммоли вазиятни:

-Нима учун Дракон қонунлари «қон билан ёзилган қонунлар» деб юритилган?;

-Бугунги демократияни Қадимги Афина демократиясидан фарқли томонлари нимада?, деган саволлар билан муаммоли вазият яратиш мумкин.

«Олий Мажлиснинг Қонунчилик фаолияти» мавзусида (11-синф):

-Конунни ишлаб чиқишида кимлар иштирок этади?

-Олий Мажлис қабул қилган қонунлардан қайсиларини билан миз? каби саволлар билан ҳам муаммоли вазият яратиш мумкин.

Ўқитувчи муаммони қўйганда ўқувчиларга муаммони ечишга доир кўрсатмалар, йўлланмалар беради ва иш натижаларини баҳолаш мезонларини эълон қилиши керак. Муаммонинг мураккаблик даражаси ўқувчиларнинг билимига қараб белгиланади. Шунингдек, муаммони ҳал қилишида керак бўладиган маълумотлар етарли даражада бўлиши талаб этилади.

Масалан, “1929-1939 йилларда Германия” мавзуси дарсликда 28 бетни ташкил этади ва мазмун ҳам шунга яраша мураккаб. Дарса Германиядаги иқтисодий инқизорзининг келиб чикиш сабаби ва оқибатлари, “Катта коалиция” хукуматининг фаолияти, фашистлар диктатурасининг ўрнатилиши, Гитлерни рейхканцлер бўлиши, сўл кучларни фашистларга қарши кураши, диктатуранинг ички ва ташки сиёсати, нацистлар мафкураси ва уруш дастурини инсониятга қарши жиноят эканлиги, Австрия ва Чехославакия давлатларини босиб олиниши каби муҳим масалаларни ва яна кўплаб янги тушунчаларни (нацизм, рейхканцлер, плебисцит, фюрер, гитлерюгенд, гестапо, гетто, ҳарбий доктарина, вассаллик, сателлит) ўқувчилар ўзлаштириб олиши талаб этилади. Лекин ушбу жараённи ўқитувчининг ёрдамисиз ўқувчилар амалга ошира олмайдилар. Демак, машғулот янги мавзуни ўрганиш дарси бўлиб, ўрганилаётган мавзуни муаммоли баёнга айлантириш зарур. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларга олдиндан режалаштириб қўйилган ижодий жадвални тавсия қиласди. Жадвал ўқитувчи билан биргаликда дарслиқдан фойдаланган ҳолда ўқувчилар томонидан тўлдирилади.

Сўнгра ўқитувчи қўйидаги савол билан муаммони эълон қиласди: «Германияда сиёсий вазиятнинг кескин ўзгаришидаги бирламчи сабабни аниқланг».

1929-1939 йилларда Германия

Иқтисодий инқизорзининг сабаблари ва кўринишлари	Гитлерни ҳокимииятта келишидаги омиллар	Германия сиёсатида нималар ўзгарди?	Ўзгаришлар жамият маънавий ҳаётига қандай таъсир ўтказди?
1. Урушдан кейин вужудга келган Версаль-Вашингтон тизими.	1. Фашистлар хукуматининг ийрик саноатчилари ва банкирлар томонидан кўллаб-куватланиши.	1. Нацистлар партиясидан бошқа барча сиёсий партия ва ташкилотларининг фаолияти тақиқланди.	
2. Саноатда 1932 йилдаги ишлаб чиқариш дараси 1928 йillardагини 58% ташкил этган.	2. Америка автомобиль кироли Генри Форд ва «Женерал электрик» компаниясини кўллаб-куватлаши.	2. Ўзгача фикрловчилар, демократик ташкилотлар вакиллари, ҳарбий асириларни кирғин қилиш учун концентрацион лагерлар барпо этилди.	
3. Ишсизлар сони 9 млн.га етган.	3. Фашистлар мафкурасига ишонган 36 млн аҳоли 1933 йилда Гитлер сиёсатини қўллаб, овоз берди.	3. Яхудий аҳолисини кириб ташлашга қаратилган антисемитизм расмий сиёсатта айланди.	
4. Хорижий сармоялар Германия иқтисодиётидан қайтариб олина бошланди.	4. Иктиносидётда давлат секторининг ўзиши Гитлернинг ҳокимииятта келишини тезлаштириди.	4. 1933 йил Германия Миллатлар Лигасидан чиқди.	
5. Давлат ийрик хусусий банкларни акцияларини сотиб олиб, уларни инқизордан саклаб қолди ва иқтисодиётни бошқаришни давлат монополистик йўлига ўтди.	5. 1936 йил Япония билан бирга «Коминтернга қарши битим»ни имзолади.	5. 1936 йил Япония билан бирга «Коминтернга қарши битим»ни имзолади.	

Ўқувчилар жадвални ақлий хужум методи ёрдамида таҳлил қиласа бошлайдилар. Айрим ўқувчилар бирламчи сабаб қилиб иқтисодий инқизорни, бошқалари Гитлерни ҳокимииятга келишини, яна айримлар Версаль шартномаси тартибларини ҳам кўрсатиши

мумкин. Фикрларнинг ҳар хил бўлиши эса мунозарага сабаб бўлади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрларини, тушунчалари ни дикъат билан тинглаб якуний холосада муаммонинг аниқ ечи-мини келтириб чиқариши лозим.

Холоса қилиб айтиш лозимки, муаммоли ўқитиши ўқитувчидан алоҳида маҳорат талаб қиласи ва уни ҳеч қандай тайёргарликсиз амалга ошириб бўлмайди. Муаммоли вазиятни вужудга келтириш, бу муаммони ҳал қилиш учун ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш, мустақил фикр юритишга жалб қилиш ўқитувчидан ижодкорликни талаб этади. Муаммоли таълим жараёнида ўқувчилар манбалардан унумли фойдаланиш орқали мустақил фикрлаш ва мустақил тафаккур юритишга ўрганади. Муаммоли таълимни ташкил қилиш эса ўқитувчи инновацион фаолиятининг натижаси сифатида амалга оширилади.

ТАРИХ ДАРСЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИЖОДИЙ ТОПШИРИҚЛАРДАН НАМУНАЛАР

Тарих дарсида қўлланиладиган ижодий топшириклар орасида тарихий мавзуларда ижодий ишларни ёзиш муҳим ўрин эгаллайди. Ижодий иш ёзиш жараёнида бир вактнинг ўзида ўқувчиларда ёзма нутқини ривожлантириш, тарихий жараёнлар, воқеалар, шахслар ва тарихий жойларни тасаввур қилиб, уни ёзма ифода этиш ижодий ҳамда тарихий тафаккурни шакллантиради.

Ижодий ёзма ишлар учун куйидаги шаклдаги мавзуларни танлаш мақсадга мувоғиқ:

1. “Қадимги шаҳарлар ҳақида мен нималарни биламан?” (масалан, Қадимги Афросиёб, Қадимги Каат, Бинкат, Ўтрор ва ҳ.к.). Бу мавзуни ёритишида ўқувчи қадимги шаҳарларга хаёлан ташриф буюриши, шаҳардаги бошқарув тизими, ижтимоий-иктисодий ҳаёт, курилиш ва шаҳарсозлик анъаналари, у ерда яшаган аҳолининг турмуш тарзи, урф-одатлари, соликлар ҳақида ёритиб бериши керак;

2. “Дунёнинг етти мўъжизасига саёват....”.

3. “Улуғбек расадхонаси ҳақида тарихий ҳикоя”.

4. “Қадимги турклар яшаган худудларга экспедиция”. Бу мавзуни ёритишида ўқувчи қадимги турклар яшаган худудларнинг географияси, уларнинг ўзига хос анъаналари, давлат тузуми, оила-вий ва майший турмуш тарзи, турк ҳоқонлигининг Хитой билан

муносабатлари, иқтисодий тараққиёти, уруғ-қабилачилик удумлари ва ҳ.к. ёритиб бериши керак.

5. “Сўғд савдогарининг қундалиги...” ва ҳ.к.

6. Нацистлар мафкураси ва уруш дастурининг инсониятга қарши жиноят эканлигини асослаб беринг.

Бунда ўқувчилар асосий эътиборни фашистлар мафкураси ва гояларини бузгунчи гоя эканлиги, бу мафкура ирқчилик ва шовинизмни тарғиб килганлигини, ҳар қандай давлат ёки ташкилот томонидан тайёрланадиган ёки ишлаб чиқиладиган уруш дастурлари инсониятга қарши жиноят ҳисобланишини далиллар билан исботлаб бериши керак.

Харита билан ишлаш учун ижодий топшириқлардан намуналар

1. Қадимги Шарқда жойлашган музей шаҳарларнинг харитасини ишлаш;

2. “Афсоналар ва археология” мавзусида харита ишлаш (унда қадимги юонон афсоналарида тилга олинган шаҳарларнинг хозирги давлатлар худудидаги ҳолати тасвирланиши керак).

3. XV асрда Византияни Самарқанд билан боғлайдиган савдо йўли харитасини ишлаш.

4. Жалолиддин Мангуберди забт этган қалъя ва шаҳарларни харитасини ишлаш.

5. XX аср бошида Ўрта Осиёда фаолият олиб борган жадид мактабларини харитасини ишлаш.

Ўқувчилар мустақил ҳолда харита ишлаганда уни турли расмлар, иллюстрация ва изоҳлар билан тасвирлашларига алоҳида аҳамият бериш лозим.

ТАРИХ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР

Тарих фани ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талабларни куйидагича таснифлаш мумкин:

-фан назарияси ва услубиётини, тарихни ўқитишида илғор педагогик технологияларни ва тажрибаларни чуқур билиши;

-ўқувчиларни алоҳида тарихий асарларни ёки хужжатларни мустақил равишида ўрганишга жалб этиши;

- ўкувчиларни дастурий материалларни танлаш ва умумлаштириш бўйича фаол ишлашга жалб этиш, тарихий воқеалар, ходисалар, ижтимоий жараёнларни кўриб чиқаётганда илмий тушунчалардан мустакил равишда фойдаланишга ўргатиш;

-дарсларда дарслик, матн, кўргазмали материаллар, саволлар ва топшириқлардан мунтазам фойдаланиш, унча катта бўлмаган матн таҳлили асосида асосий фикрни ажратиб олиш, режа тузишни билиш;

-билимлар манбаларини, айниқса идрок ва хотиранинг барча турларини ривожлантириш имконини берувчи кўргазмали материални ўрганиш услубларини ранг-баранглангаштириш, дарсда билиш қонуниятларини яхлит рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

-курснинг қисмлари: ўрта асрлар тарихи, янги ва энг янги тарих қисмлари ўртасидаги ворисийликни саклаб қолишга қаратилган дастурдаги ўзгаришларни маҳорат билан рўёбга чиқариш;

-дастурда мавжуд фан ичидағи ва фанлараро боғланиш ва алоқаларга таяниш, мактаб ўкувчиларини билимларини тизимлаштириш, ўкувчилар томонидан жамият ривожланишининг сабабоқибат алоқалари ва қонуниятларини янада чукурроқ тушунишлари учун улардан фойдаланиш;

-кўп вақтни талаб қилувчи, айниқса, матн ёзилиши билан боғлик бўлса, уй вазифаларини соддалаштириш, дарс жараёнида уй вазифасининг мазмунини муфассал тушунтириб бериш;

-тарихни ўқитища ўрганилаётган материални Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётидаги сифат ўзгаришлар билан алоқадорлигини кучайтириш;

-таълим бериш жараёнида ўкувчиларнинг ўзига хослигини, тарихни ўрганишга эҳтиёжини инобатга олиб дарсни ташкил этиш;

-ўкувчиларни мустакил ишлашларини аниқ режалаштира олиш, дарсга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ҳамда дарс натижаларини чукур ва ҳар томонлама таҳлил қилиши лозим.

-замонавий тарих ўқитувчиси этник гурӯҳ ёки миллат миқёсидагина эмас, балки жаҳон даражасида фикр юритиши, ўкувчилар ўртасида замонавий дунё тизимлари ҳақидаги билимларни бера олиши, ўкувчилар ўртасида ҳозирги кунда жаҳондаги вазият, ривожланиш йўналишлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги, глобал муаммолар бўйича муҳокама ва мунозараларни ташкил эта олиши керак.

-тарих фани ўқитувчиси ўкувчиларга ўзлари яшаб турган жойдаги ва ундан ташқаридаги маданиятлар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида тушунчалар ҳосил қилишга ҳаракат қилиши, маданиятларни ўзига хос ва ўзгарувчан сифатларини тавсифлай олиши, ўкувчиларга ранг-барангликни хурмат қилиш ва бошқача қарашларни тўғри қабул қилишни ўзлаштириш учун маданиятларни чукур ўрганиш энг муҳим восита эканлигини тушунтира билиши керак.

-тарих фани ўқитувчиси ҳозирги кун ривожланиш йўлларини тарихга назар орқали белгилаш мұҳимлигини зътироф этгани ҳолда, келажакни тасвирлаш имкониятини яратиши, инсонлар биргалиқда ва ҳар бири алоҳида келажакка таъсир эта олишларини ўкувчиларга тушунтира олиши, демократия, ижтимоий ва сиёсий жараёнларда иштирок этиш учун ўкувчиларда керакли кўнилмаларни шакллантириши лозим.

-замонавий тарих фани ўқитувчиси ёрдамчи ҳисобланади. Ўқитувчининг вазифаси нафакат билимларни етказиш (бу билимлар тез ўзгарувчи дунёда кўп ҳолларда самарасиз бўлиб қолади), балки таълим олишни ўрганишлари учун ёрдам бериши керак. Бошқалар қобилиятларига ишониш, эски нарсалардан воз кечиша тайёрлик, хато қилганда хатолардан тўғри хуносалар чиқариш каби шахсий хусусиятларга эга бўлиши мухимdir. Ўкувчилар билан симимий муносабатда бўлиши, уларнинг ҳис-туйғулари ва фикрларига жиддий зътибор билан қарashi, мақтov билан муносабат билдириши лозим.

-ўқитувчи ўкувчилар синфга билимсиз ҳолатда эмас, балки бошқалар билан фикрлашиш учун, маълум даражада билим, тажриба, фикр ва қарашлар билан келишларини зътироф этиши керак. Чунки ўзлари ҳақиқий деб билган масалалар ва муаммолар билан муносабатда бўлишга шароит яратиб берилгандагина ўкувчиларда янада иштиёқ билан ишлашга истак пайдо бўлади, улар қизикувчан бўлиб, дарс давомида ҳар қандай масала билан шуғулланадилар, муаммоларни ечишга, ўрганишга ва қашфиёт қилишга хоҳиши билан киришадилар, шахсий ва умумий интизомга риоя қилишни ўрганадилар, бунда ўқитувчи ҳар бир ўкувчини алоҳида, ўзига хос ички имкониятларга эга шахс сифатида хурмат қилиши лозим.

-замонавий тарих фани ўқитувчи таълим олишга бутун умр давом этадиган жараён сифатида қарайди. Ўқитувчининг вазифаси ўкувчиларнинг фақат тўғри жавоб беришига эришиш эмас, балки

яхши саволларни сўрашга ундашдан иборат. Замонавий ўқитувчи айни пайтда ўқувчи ҳам. У ўқувчилар орасида ўрганишга кўмаклашувчи ўқувчи сифатида намоён бўлиши керак.

-замонавий тарих фани ўқитувчиси ўқувчиларнинг ҳақ-хуқуқларини хурмат қилиши ва қарор қабул қилиш ваколатини синфга бера олиши лозим. У тенг хукуклилик тарафдори бўлиб, ўқувчиларнинг ўзига ишонч билдириши, шахсий ва умумий интизомни эгаллаганидан сўнг, ҳокимият ва назорат ваколатини гурухга беради ва гурухда ўқитувчининг ўзи ҳам ўрганишга кўмаклашувчи ўқувчи сифатида киради. Унинг мақсади шахснинг мустақиллигини кўллаб-куватлайдиган муҳитни таъминлашдан иборат бўлиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Хавфисизлик ва барқарор тараккиёт йўлида. Тошкент: Ўзбекистон, 6-том. 1998.
3. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. Тошкент, 2000.
4. Беспалько В.П. Слагаемые педагогические технологии. М.: Педагогика, 1989.
5. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии. М., 1995.
6. Давлетшин М.Г. Модульная технология обучения. Ташкент, 2000.
7. Замонавий дарс. Илмий-методик тўплам. А.Авлоний номидаги ХТҲҚТМОМИ. Тошкент, 2007.
8. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари малакасини ошириш факультети тингловчилари учун услубий тавсиялар. Тошкент, 2004.
9. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. Тошкент, 2008.
10. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
11. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: Знание, 1989.
12. Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике: обучение на основе исследования, игры и дискуссии. Рига, 1995.
13. Колеченко А.Е. Энциклопедия педагогических технологий: Пособие для преподавателей. СПб.: КАРО, 2002.
14. Кудрявцев В.Т. Проблемное обучение: истоки, сущность, перспективы. М.: Знание, 1991. – 80 с.
15. Лerner И. Я. Проблемное обучение. М.: Знание, 1974. – 64 с.
16. Матюшкин А.М. Актуальные вопросы проблемного обучения / Пер. с польск. языка М.: Просвещение, 1968.
17. Махмутов М.И. Организация проблемного обучения в школе. Книга для учителей. М.: Просвещение, 1977. – 240 с.
18. Муродова Д.Д. Педагогические основы развития креативного мышления учащихся в процессе обучения гуманитарным дисциплинам (7-8 класс): Автореф.дис. ... канд.пед.наук. Ташкент, 2006.-24 с.

19. Нуридинов Б.С. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш муаммолари. Тошкент, 2001.
20. Оконь В. Основы проблемного обучения / Пер. с польск. языка. М.: Просвещение, 1968. – 208 с.
21. Питюков В.Ю. Основы педагогической технологии. М.: Гном-Пресс, 1999.
22. Поспелов Д.А., Пушкин В.Н., Садовский В.Н. К определению предмета эвристики // Проблемы эвристики. М., 1969.
23. Сайдахмадов Н., Очилов М. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. Тошкент: ХТБ РТМ, 1999.
24. Сафин Д.В., Мусина Р.Г. Таълим бериш ва ўқишининг интерфаол усуллари. Ўкув кўлланма. 1-5-модуллари. Тошкент, 2007.
25. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. М.: Народное образование, 1998.
26. Сластенин В.А. и др. Педагогика: инновационная деятельность. М., 1997.
27. Стил Джени, Мередис Керт, Телигл Чарльз. Основы развития критического мышления / Пособие в 8-ми книгах. Бишкек, 1997.
28. «Таълим самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусидаги семинар-тренинг материаллари. Тошкент, 2002.
29. Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, ечимлар / Илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент: Ўз ПФТИ, 1999.
30. Толипов Ў.К., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбикӣ асослари (ўкув кўлланма). Тошкент: Фан, 2006.
31. Толипова Ж.О. Педагогик технологиялар – дўстона мухит яратиш омили. Тошкент: ЮНИСЕФ, 2005.
32. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. Тошкент: Фан, 2000.
33. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Ташкент, 1999.
34. Хуторской А.В. Дидактическая эвристика. Теория и технология креативного обучения. М.: МГУ, 2003. – 416 с.
35. Чошанов М.А. Гибкая технология проблемно-модульного обучения. М.: Народное образование, 1996.
36. Школа дружелюбного отношения к ребенку: основные аспекты, индикаторы результатов, критерии оценки. Ташкент: ЮНИСЕФ, 2005.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Муаммоли ўқитишининг илмий-назарий асослари	4
Эвристик ўқитишининг ўзига хос хусусиятлари	8
ИВЕН педагогикаси нима?	12
Муаммоли таълим жараёнида ўкув мақсадларини белгилаш	15
Муаммоли таълим жараёнида ўқитувчига кўйиладиган дидактик талаблар	17
Муаммоли таълимда дарс жараёнини лойиҳалаш	22
Муаммоли таълим жараёнида кичик гурӯхларда ишлаш	25
Муаммоли ўқитиши жараёнида кўлланиладиган методлар	28
“Муаммоли вазият” методи	28
“Галерея” методи	32
Дарслик ва матн билан ишлашнинг инновацион усуллари	34
«Дебатлар» методи	35
ФСМУ технологияси	37
“Муаммо” технологияси	38
“Бумеранг” технологияси	38
Ёзиш ва ўқиши орқали фикрлашни ривожлантириш ёки «Инсерт» усулида ўқиши	40
“Зинама-зина” технологияси	41
“Икки қисмли кундалик” методи	47
Хронологик бошқотирмаларни кўллаш	48
SWOT- универсал таҳлил килиш методи	50
Дарс ишланмаларидан намуналар	51
Дарсда муаммоли вазиятларни яратишга мисоллар	57
Тарих дарсларида кўлланиладиган ижодий топшириклардан намуналар	60
Тарих фани ўқитувчисига кўйиладиган замонавий талаблар	61
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	65

A. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти Илмий кенгашин томонидан нашрга тавсия этилган.

Мухаррир: *M. Сайдова*
Техмухаррир: *C. Хўжсаев*

Нашриёт рақами: з-221. Босишга рухсат этилди: 30.12.2009.

Коғоз бичими $60 \times 84 \frac{1}{16}$. Офсет босма. Офсет коғози.
Ҳисоб-нашриёт т. 4,5. Шартли босма т. 4,25. Буюртма № 5.
Адади 300 нусхада. Келишилган нарҳда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 100170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-йй.
Босмахона манзили: ООО «GEO FAN POLIGRAF» 100170, Тошкент,
И. Мўминов кўчаси, 13-йй.